

**УФҚ ҚОН
ТАЛАШГАН
КУН**



7

**ЭЗГУЛИККА
БАХШИДА
УМР**





8

**2006 йил —
ҲОМИЙЛАР ВА
ШИФОКОРЛАР
ЙИЛИ**



10

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• **Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри** •

2006 йил 6 май, шанба

• 18 (3652)-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини
рағбатлантириш тўғрисида**

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кuni ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 000 (ўттиз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистонда футболни
ривожлантиришга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида**

Мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига халқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтчи» (Фарғона), «Насаф» (Қарши) клублари шулар жумласидандир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурининг амалга оширилиши туфайли республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стадионлар сони кўпаймоқда. Энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футболчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**9 МАЙ —
ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ
КУНИ**

«Хотира деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади».

Испом **КАРИМОВ.**



POSTDA.TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футболчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари сусайди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомиляри ва донорларнинг фаоллиги пасайди. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва МХСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатди. Кўп йиллик тарихга эга бўлган «Кўкөн-1912», «Сурхон» (Термиз), «Зарафшон» (Навоий) футбол жамоалари машхурлигини йўқотмоқда.

Мазкур камчиликлар ҳозирги вақтда етарли моддий-техника базасига, маблағ билан таъминлаш манбаларига, шунингдек, малакали ходимларга эга бўлмаган бир қатор вилоят футбол федерациялари ишларининг сустлиги оқибатидир. Вилоятларда болалар-ўсмирлар жамоалари ўртасида ўқув машғулоти жараёнининг ва мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги тегишли футбол федерациялари ишларининг сустлиги, айрим минтақаларда эса – уларнинг ишдан ўзини четга олишлари ҳамда бунга вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан эҳтибор берилмаётгани билан бевоқифлик бўлади.

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Футбол федерациясини ва футбол клубларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори классли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз футболнинг ом-

мавийлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг:

фаолият кўрсатаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан мулкчиликнинг турли шаклларидаги профессионал футбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги;

захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш ҳақидаги;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги;

Ўзбекистон Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасини унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари билан бирга ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилиши ва у қуйидагиларни таъминлаши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин:

мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболни ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

футбол жамоаларининг алоҳида намуна кўрсатган иқтидорли ўйинчиларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини яратиш, қобилиятли ёшларни футболга жалб этиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш;

тажриба алмашишда ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратларини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори классли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш;

мамлакатимиз футболни ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ҳомийларни, манфаатдор корхоналар ва жамоат ташкилотларини ҳамкорлик қилишга жалб этиш.

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек, тижорат тузилмалари, юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан уларнинг шакллантирилаётган клублар ташкилий ва молиявий масалаларини ҳал этишдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабини, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Футбол федерацияси тасарруфига ўтказсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларининг ишларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этсин.

5. Қуйидагилар белгилансин: Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ҳамда уларнинг малакасини оширади;

футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси ва профессионал клубларнинг буюртманомалари бўйича амалга оширилади;

Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабининг таълим жараёнида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кадрлар, илмий-методик ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади.

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Пахтакор» ОАЖнинг эркин сотиш учун мўлжалланган акцияларининг 49 фоизини «Пахтакор» Футбол клуби қўшма корхонасига унинг томонидан стадионни ҳамда комплекснинг бошқа спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда белгиланган тартибда топшириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлиналари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтирилдиган жиҳозлар, асбоб-ускуна-

лар ҳамда материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшайдиган маблағларни футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирган ҳолда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерлар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсин, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб этсин ва реклама қилсин.

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўйинларини трансляция қилиш учун телевизион ҳуқуқларга эга бўлиш юзасидан шартнома тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 май

СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ

Ички ишлар идораларини ёш, изланувчан, талабчан, ўз устида доимий иш олиб борадиган, дунёда, шунингдек, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни те-ран англаб етadиган ходим-

лар билан тўлдириб бориш долзарб масалалардан би-рига айланди. Бу масъулиятли иш эса республика Ички ишлар вазирлигининг ўқув муассасалари зимма-сига юклатилган. Шу асно-да ИИВ Академиясида сер-

жантлар таркибини тайёр-лаш Олий курслари ташкил этилди. Мазкур курсга ўқишга кирганлар олти ой давомида малакали ўқитув-чилар ҳар томонлама пухта билим оладилар. Курсант-лар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост, йўл-патруль, жазони ижро этиш, қўриқлаш, хо-рижга чиқиш, келиш ва фу-қароликни расмийлашти-риш ва ёнғин хавфсизлиги хизматлари йўналишлари бўйича таълим олиш билан бирга амалий кўникмалар-га ҳам эга бўлишади.

Вазирлик Академиясида кадрлар тайёрлаш самара-дорлигини оширишга, ўқув юрти моддий-техник база-сини мустаҳкамлашга ало-ҳида эътибор қаратилмоқ-да. Бу ерда таълим олаётган сержантлар келгусида юр-тимиз хавфсизлигини таъ-

минлаш, турли тадбирлар-ни мустақил ўткази олиш салоҳиятига эга бўлишлари тақозо этилади.

Курсантлар имтиҳонлар-дан ўтиб, ўқишга кирган-ларидан сўнг дала ўқув машғулотида бир ой да-вомида тайёргарликдан ўтдилар. Бу ерда ўқотар куруллардан фойдаланиш, курулланган жиноятчини қўлга олиш, турли мурак-каб тўсиқлардан чаққон ва моҳирона ўтиш, оғир ваз-ятларда тез ва аниқ ечим топиб, берилган топши-риқларни бажаришни ўргандилар. Назарий би-лимлардан сўнг жисмоний ва жанговар тайёргарлик-ларни ўташга киришдилар.

Куни кеча республика ИИВ Академиясида сер-жантлар таркибини тайёр-лаш Олий курсларининг навбатдаги битирувчилари қасамёд қабул қилишди.



Тадбирда республика ИИВ Академияси бош-лиги, генерал-майор Т. Муллажонов сержантлар-ни табриклаб, келгуси хиз-матларида омад тилади.

Тадбирда сўз олганлар кадрлар тайёрлаш масала-сига алоҳида эътибор қара-тилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, но-тиқлар бугунги тадбир ти-зимда амалга оширилаётган

ислоҳотлар самараси экан-лигига алоҳида урғу берди-лар ва сержантларга келгу-сидаги шарафли, машақ-қатли, шунингдек масъули-ятли ишларида омад тила-дилар.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

Суратларда: тадбирдан
лавҳалар.

Жасур АБДУЛЛАЕВ олган
суратлар.



ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида 18 нафар ички ишлар ходими ҳалок бўлган, 25 нафари турли даражада жароҳат олган эди. Ватан ўз ўғлонларининг жасоратини муносиб баҳолади. Улар юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирландилар.

Мухбиримиз Андижон вилояти ИИБ масъул ходимлари ва ҳалок бўлганларнинг ота-оналари билан учрашиб, марҳумларнинг оилаларига қандай ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги ҳақида гапириб беришларини сўради.

Орипжон Йўлдошев, шахсий таркибни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва тарбиялаш бўлими бошлиғи, подполковник:

— Экстремистларга қарши кураш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Хизматлар ва бўлинмалар раҳбарлари тез-тез бу оилалар ҳолидан хабар олиб туришибди. Республика «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги

кўмағида ҳалок бўлганларнинг қабрларига ёдгорлик ўрнатиш учун 3 миллион 960 минг сўм миқдорида маблағ ажратди. Бу ёдгорликлар Хотира ва Қадрлаш куни ўрнатилади.

Капитан Шуҳрат Зоҳидов, лейтенант Алишер Эргашев ва сержант Улуғбек Ҳамроқуловнинг ўғиллари республика ИИБ «Жар» спорт-соёмлаштириш мажмуаси қошидаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатга таълим олиш учун юборилган.

Ўз ҳаётларини эл-юрт тинчлик-осойишталиги йўлида қурбон қилган бу қаҳрамонлар ҳақида Хотира китоби нашрга тайёрланапти. Бундан ташқари вақтли матбуотда мазкур ходимларнинг ҳаёти ва жасорати тўғри-

сида ҳикоя қилувчи материаллар мунтазам чоп этиб турилибди.

Ҳалок бўлганларнинг ота-оналари илтимосларига кўра, 13 май куни марҳум ходимлар дафн этилган жойларда мотам маросимлари бўлиб ўтади.

Отабек Исмоилов, молия-иқтисод бўлими бошлиғининг ўринбосари, бош ҳисобчи, капитан:

— Андижонда юз берган май фожиаларидан сўнг орадан бир неча кун ўтиб, марҳумларнинг оилаларига маъракалар, учун республика ИИБ томонидан бир миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг амалдаги буйруқ ва Низомларига мувофиқ марҳумларнинг оилаларига амал маошлари ва унвон учун тўловларининг 50 баравари миқдорида ёрдам пули бериди.

«Ўзбекинвест» сугурта компанияси енгил жароҳат олган ходимларга 65814 сўмдан, оғир яранганларга 131628 сўмдан, ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига эса

658140 сўмдан тўлади. Марҳумларнинг оилаларига бундан ташқари «Кафолат» давлат сугурта компанияси ҳам 500000 сўмдан ажратди.

Вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббусига кўра 10 ноябрь ва Рамазон ҳайити кунлари марҳумларнинг оилаларига озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари харид қилинди. Халқаро хотин-қизлар кунида эса марҳумларнинг турмуш ўртоқларига 25000 сўмдан берилди. Хотира ва Қадрлаш кунида ҳам бу оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Мазкур мақсадларга уч ярим миллион сўмга яқин маблағ ажратилган.

Нодирбек Раҳимов, МИБ пенсия бўлими бошлиғи, капитан:

— Боқувчисини йўқотган ҳар бир оилага нафақа расмийлаштирилган. Пенсия миқдори оиладаги вояга етмаганлар сонига боғлиқ. Бундан ташқари коммунал тўловлар учун ҳам компенсация ажратилган. Пенсия пуллари ўз вақтида бериб бориляпти.

Гулмира Азимова,

ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникаси бошлиғи, катта лейтенант.

— Ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари алоҳида эътиборимизда. Зарур бўлса, тиббиёт ходимларидан иборат бригада бу хонадонларга боради. Поликлиникамизда уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Саломатликларини тиклаб олишлари учун ИИБ санаторийларига йўлланмалар берилди.

Равшанбек Тошматов, марҳум лейтенант И. Тошматовнинг отаси:

— Оиламиз бошига оғир мусибат тушди. Қадрдон ўғлимиздан, тоғдек суянчимиздан, орзу-умидимиздан айрилиб қолдик. Онаси билан иккимизнинг қандай ғам чекаётганимиз ёлғиз худога аён. Қайғунинг зўридан ўтган йили декабрь ойида инфарктни бошимдан ўтказдим. ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, полковник Азамат Тошбоевнинг кўмағи билан мени энг яхши касалхонага жойлаштиришди. Дори-дармонга зориқмадим. Умридан барака топсин. Ихтиёржоннинг хизматдошларидан ҳам миннатдорман. Тез-тез биздан хабар олишади, уй-рўзгор ишларимизга кўмаклашишади, кўнглимизни кўтаришади. Одам тафтини одам олади, деб бежиз айтишмайди. Шулар туфайли ёлғизлигимиз билинмаяпти.

Турсунбой Рустамов, марҳум подполковник М. Рустамовнинг отаси,

истеъфодаги подполковник:

— Мен ўғлим билан фахрланаман. У душманлардан қўрқмади, ёш жонини сеvimли юртимиз — жонажон Ўзбекистонимиз учун қурбон қилди. Ғам-андухимизнинг чеки йўқ. Қизлари билан хотинига ҳам қийин. Аммо кўлимиздан нима ҳам келарди. Ҳаёт давом этаяпти. Яшаш керак.

Биз — марҳумларнинг яқинлари ташаббус кўрсатиб, ота-оналар кўмитаси туздик. Бирга-лиқда дуч келадиган муаммоларимизни ечишга ҳаракат қилаёпмиз. Яқинда вилоят раҳбариятига мурожаат қилдик. Унда Андижон шаҳри марказидаги Хотира ёдгорлигига марҳум ўғилларимизнинг номи киритилишини, вилоят марказидаги айрим кўчаларга уларнинг номи берилишини сўрадик. Ҳозир бу масалалар ҳал бўлаяпти.

Фарзандларимизнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи Хотира китоби нашрдан чиқишини сабрсизлик билан кутаяпмиз. Бизнинг ғам-ташвишларимизга эътибор билан қараётган, муаммоларимизни ечишга кўмак бераётган барча кишиларга катта раҳмат.

Ўз ҳаётини она шаҳрининг, юртининг тинчлик-осойишталиги йўлида қурбон қилган қаҳрамонлар хотираси ҳамisha халқ ёдида сақланади.

Борис КЛЕЙМАН.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони халқимизнинг тарихий анъаналарига мос бағрикенглик, инсонпарварлик каби қадриятларни ўзида намоён қилди. Узоқ йиллар ҳукмрон бўлган шўро тузуми, қатагонлар, қўрқитув усуллари, жазолаш тизими аҳолида аламзадалик, норозилик кайфиятини туғдирарди. У вақтда инсонни тушуниш, содир этилган ҳолатга тўғри муносабат билдириш, керак вақтда мурувват кўрсатишнинг иложи йўқ эди. Энг ачинарлиси, қилмишидан пушаймон бўлган, тузалишни ихтиёр этганларга имконият берилмас эди.

Конституцияимизнинг 13-моддасида «Инсон, унинг ҳаёти олий қадрият»; 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи — инсоннинг узвий ҳуқуқи» экани таъкидланган. Мазкур Фармонга асосан Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 1 январдан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатта озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилди. Ўлим жазоси жиноятчиликнинг олдини

оладиган омил бўла оладими? У инсон ҳуқуқларига зид эмасми? Ушбу саволларга жамиятимизнинг турли қатламларидан ҳар хил жавоблар олиши мумкин. Умуман олганда, аҳолининг кўпчилиги қисми ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорлари.

Жиноят қонунчилигининг асосий вазифаси инсоннинг жиноий қилмиши учун жазолаш эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлашдир. Жазо тайинлаш ҳамда қўллаш билан қўрқитиш эвазига жиноятларни буткул бартараф этишни таъминлаб бўлмайди.

Мазкур Фармон аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлашни таъкидлаб ўтиш жоиз. Дастлаб аҳолининг баъзи қатламлари ўлим жазоси бекор қилинишидан биров хавотирга тушишди. Ўлим жазосига жиноятчиликни тийиб турувчи, олдини олувчи омил сифатида қараш йиллар давомида одамлар онгига сингиб кетгани ташвишланишга сабаб бўлган. Бироқ жиноий жазоларни либераллаштириш жараёни жазонинг қаттиқлигида эмас, балки адолатлилигида, ҳуқуқбузарларга ўз қилми-

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ши оқибатларини бартараф қилишга, тузалиш йўлига киришига имкон беришида эканлигини кўрсатди. Ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масалада жамоатчилик бемалол ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этаётгани ҳам мамлакатимизда демократик муҳит барқарорлигидан далолат беради.

— Жазо жиноятга мос бўлиши керак;

— Жиноят қурбонининг ҳуқуқлари жиноятчининг ҳуқуқларидан устунроқдир.

Аммо шуни назарда тутиш керакки, ҳўжалик юритишнинг айрим нотўғри усуллари, балки суд-ҳуқуқ тизими, жумладан, собиқ иттифоқ Жиноят кодексига 30 дан ортиқ жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Мустақилликка эришганимиздан кейин инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, 2003 йил-

га келиб фақат оғирлаштирувчи ҳолатлар — қасддан одам ўлдириш ва терроризм учунгина бу жазо турини қўллаш қолдирилди. Қисқа вақт ичида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Ҳозирга келиб жамият тараққиёти ривожланаётган, жаҳон ҳамжамияти билан бир қаторда қадам ташлаётган давлатимизга умуминсоний қадриятларни юзага чиқариш учун ўлим жазосини бекор қилиш вақти етгани туфайли Президентимиз ушбу Фармонга имзо чекди.

Ўлим жазоси ҳозирги кунга келиб бир қатор давлатларда қўлланиб келинаётган бўлиб, бу жиноятчиликни тугатиш ва ортиб кетишига тўсик бўла олмаслиги аён бўлаётир. Мазкур жазо таҳдид қилаётган жиноятни содир этаётган шахс жазо қўлланилиши ҳақида ўйламайди ва

жиноят кўчасига кириб қолади. Ўлим жазосига маҳкум этилган шахс жисмонан йўқ қилиниб, унга жазонинг тарбиявий аҳамияти ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишида жиноятчи жамиятдан ажралади. Унинг ҳаёти узоқ давр бесамар ўтади. Бу нафақат жиноятчи, балки атрофдагилар учун ҳам жуда кучли руҳий таъсир ўтказиши, шунингдек, тарбиявий аҳамият касб этади.

Жамиятимизда эзгулик ва инсонпарварликни янада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур Фармон жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятга мойил шахсларни тўғри йўлга солишда асосий омил бўлиши шубҳасиздир.

Аҳмаджон УМАРАЛИЕВ,
Андижон вилояти ИИБ
бошлиғининг ўринбосари,
полковник.

Раҳмдиллик, кечиримлилик халқимизга ҳамisha хос бўлиб келган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар негизда ҳам, аввало, инсонпарварлик, одамгарчилик тамойиллари ётибди. Узоққа бориб ўтирмасдан сўнги йилларда эълон қилинган амнистияларни олайлик. Уларда биринчи галда ўсмирлар, аёллар ва кексаларга нисбатан белгиланган жазоларни енгиллатиш назарда тутилади. Жиноий жазоларнинг тобора либераллаштирилиб борилаётгани, ярашув институтининг жорий этилганлиги, 2008 йилнинг 1 январидан республикамизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам ана шу тамойиллар намоишидир.

Юртимизда шундай жараёнлар кечаётган бир пайтда пенсия ёшидаги, бола-чақали ўзбек аёлининг эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олинганлигини эшитсангиз, қай аҳволга тушардингиз? Аввалига ҳайрон бўлардингиз, албатта. «Наҳотки, бошқа бирор енгилроқ эҳтиёт чораси қўллаш етарли бўлмас?» деган ҳаёлга борардингиз. Биз ҳам Олмалик шаҳрилик 66 ёшли онахон тергов манфаатларини кўзлаб ҳибсда сақланаётганлигини эшитиб, масалага ойдинлик киритиш учун республика ИИБ 1-сонли ИИБ бошлиғи, полковник Ҳотамиддин Ирисалиев ва республика ИИБ ТББ терговчиси, подполковник Равшан Шоазизовга мурожаат этдик.

— Аввало, онахонга нисбатан қандай айб эълон қилинганлиги устида тўхталсангиз.

Ҳ. Ирисалиев: — Гапни хиёл узоқдан бошлашга тўғри келади. 2005 йил 17 август кечаси Олмалик тоғ-металлургия комбинати мис эритиш заводидан жами нархи 26 миллион сўмдан ортиқ бўлган рангли металл ўғирланган эди. Ушбу ҳолат юзасидан тергов-тезкор гуруҳи тузилди, суриштирув-қидирув ишлари олиб борилди. Аммо муайян пайтгача жиноят очилмади. Ўша йили 5 ва 21 декабрь кунлари мис эритиш заводида яна ўғрилик содир

этилди. Бу гал ўғрилик қилган шахс жиноят устида қўлга олинди. Натижада калаванинг учи топиди. У жиноий шерикларини бирмабир санаб берди.

Энг ажабланарлиси, ушбу уюшган жиноий гуруҳга бир этак набиранинг бувиси бўлган 66 ёшли аёл бошчилик қилар экан. У ўз жиноий гуруҳига ҳатто ўз ўғли, қизини ҳам жалб қилади.

— Ёшини, аёл кишилигини назарда тутиб, унга то суд бўлиб ўтгунча ҳибсда сақлашдан бошқа бирор эҳтиёт

чораси қўлласа бўлмасмикан?

Р. Шоазизов: — Биз ҳам дарҳол бундай қарорга келганимиз

билан шуғулланувчилар эди. Гумон қилинувчининг бундан мақсади ўзини беайб, ички ишлар идоралари ходимларини эса тўхматчидек қилиб кўрсатиш эди.

Гумон қилинувчининг қизи эса ИИБ ҳовлисига кириб, устига бензин қуйиб: «Онамни қўйиб юбор-масаларинг ҳозир ўзимга ўт қўяман!» деб шовқин солди. Аёлнинг ўғиллари бўлса 1-ИИБ ходим-

гуруҳнинг қидирувда бўлган аъзоларининг яшириниб юришларига кўмаклашди. Энди кўча-қўйда республика ИИБ 1-сонли ИИБ ходимларини кўриб қолса, уларга ташланиб, ҳақорат қилар эди. Охири тергов ҳаракатларига ҳалал бераётгани учун уни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаб, жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилиб, эҳтиёт чораси сифатида прокурорнинг рухсати билан ҳибсга олишга мажбур бўлдик.

— Ҳар ҳолда эшитган қулоққа яхши бўлмабди...

риб келсангиз, бозорда спиртли ичимликлар билан ноқонуний равишда савдо қилувчилар тепасида ҳам шу аёл туради. Шунинг

Олмалик шаҳар ИИБ бошлиғи А. Парпиев гумон қилинувчининг аёллигини, оналигини, ёшини ҳисобга олиб уни қўйиб юборди. Ички ишлар идораси ҳовлисидан илдам юриб чиққан аёл кўчада ўзини касалга солди. «Тез ёрдам» чақиртириб, касалхонага ётиб олгач: «Мени милиция ходимлари калтаклашди», дея бизга тўхмат тошларини ота бошлади.

учун бўлса керак Олмалик шаҳар давлат солиқ инспекцияси идорасида ҳам шу йил 2 апрель куни «томоша» кўрсатган.

Воқеа бундай бўлган. Солиқ хизмати ходимлари текширув чоғида шаҳардаги «Ойдин» деҳқон бозори худудида

белгиланмаган жойда санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда ноқонуний равишда спиртли ичимликлар билан савдо қилнаётганини

аниқлашди. Ноқонуний савдога қўйилган, қалбаки акциз маркалари ёпиштирилган 90 шиша алкоголь маҳсулоти хатланади.

Шу куннинг ўзида тахминан соат 12 ларда қахрамонимиз мазкур спиртли ичимликлар билан савдо қилган аёлларни шаҳар солиқ идорасига бошлаб келади. Улар мусодара қилинган ичимликларни қайтаринглари деб талаб қилишади, солиқ ходимлари шаънига ҳақоратли сўзлар айтишади.

У куч ишлатиш, зўравонлик йўли билан ҳокимият вакилларини қўрқитиб, доимо мақсадимга эришаман, деб ўйлайди, шекилли. Тўғри, у она, кекса аёл. Она, аёл эса муқаддас зот. Лекин

авваламбор, шундай улуг номга лойиқ бўлиш керак. Ўз қадрини билмаган инсон яхшилик, мурувватнинг ҳам қадрига етмас экан. Қонун эса барчага баробар.

Сўхбатдош Бобомурод ТОШЕВ.

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН, ИЛДИЗИНИ ҚУРИТАР

йўқ. Аввалига жиноий гуруҳнинг қўлга олинган аъзолари билан юзлаштириш ўтказганимизда ҳамтовоқлари томонидан ўзига нисбатан берилган кўрсатмаларни тасдиқлаб, айбини қисман бўйнига олди. Аммо уни жиноят иши юзасидан гумонланувчи сифатида

сўроқ қилганимизда қўйилган айбдан бутунлай тонди. Сўроқ чоғида ҳозир бўлган ички ишлар ходимларига ҳурматсизларча муно-

сабатда бўлди. ИИБ биносидан чиқиб кетишга ҳаракат қилиб, кўчада турган қизи ва келинига бозорчи хотинларни бошлаб келишни тайинлади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай шаҳар ИИБ маъмурий биноси ёнида йигирмадан зиёд хотин-халаж тўпланди. Улар асосан ноқонуний спиртли маҳсулотлар ва рангли металл савдоси

ларини ҳақорат қилишди. Мен уларни тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Олмалик шаҳар ИИБ бошлиғи А. Парпиев гумон қилинувчининг аёллигини, оналигини, ёшини ҳисобга олиб уни қўйиб юборди. Ички ишлар идораси ҳовлисидан илдам юриб чиққан аёл кўчада ўзини касалга солди. «Тез ёрдам» чақиртириб, касалхонага ётиб олгач: «Мени милиция ходимлари калтаклашди», дея бизга тўхмат тошларини ота бошлади.

Бу ҳам майли. Энди мазкур жиноят иши бўйича бошқаларга нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатларига ҳам ҳалал бериш йўлига ўтди. Ҳойнаҳой, андишанинг отини кўрқоқ қўйди, шекилли. Ўз ихтиёрлари билан кўрсатма бермоқчи, етказган зарарларини қопламоқчи бўлганларни айнитиб, ниятларидан қайтарди. Уюшган жиноий

Ҳ. Ирисалиев: — Шундай дейсиз-у, лекин ҳар ким ҳам иззатини билиши керак. Илгари — 2003 йилда у ноқонуний тарзда этил спирти савдоси билан шуғуллангани учун судланиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳукмнинг ижроси бир йилга

У ноқонуний тарзда этил спирти савдоси билан шуғуллангани учун судланиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳукмнинг ижроси бир йилга кечиктирилган, 2004 йилда унга нисбатан амнистия акти қўлланилган — жазодан озод этилган эди. Ўз қадрини билмаган инсон яхшилик, мурувватнинг ҳам қадрига етмас экан. Қонун эса барчага баробар.

кечиктирилган, 2004 йилда унга нисбатан амнистия акти қўлланилган — жазодан озод этилган эди.

Кўриб турганингиздек, кечиримлиликнинг қадрига етгани йўқ. У ёғини суришти-

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ:

САБАБЛАР, САБОҚЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Андижон воқеаларига ҳадемай бир йил тўлади. Аммо унинг асорати ҳамон юракларни тимдалайди. Энг аянчлиси, унда бегуноҳ инсонлар қони тўкилди. Оталар умид ниҳоли – фарзандидан айрилиб, қадлари дол бўлди. Болалар суйанган тоғи – отасини йўқотиб ақли лол қолди. Суюкли ёрининг ҳижрони доғида куйган беваларнинг нолиши оламни титратди...

Орадан қанча йиллар ўтмасин, бу воқеа ҳар бир виждонли инсонни сергак тортириши керак. Унинг содир бўлиши сабабларидан сабоқ чиқариб, яна такрорланмаслик чоралари кўрилатган бўлса-да, кўнгилларга таскин бериб, хотиржам бўлишимиз мумкин эмас.

Андижон воқеаларига турлича тус бериб хабар тарқатган хорижлик мухбирларнинг ахборотлари ёлғонлигини исботлаш, ғаразли мақсадлари йўлида таҳлил ва танқид қилиб жаҳонга жар солган шарҳловчиларнинг асосиз мушоҳадаларини бартараф этиш осон кечмади.

Шукрки, Президентимиз И. Каримов Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оқсарой қароргоҳида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари билан бўлган учрашувда ўзининг донолиги, зукколиги ва ҳозиржавоблигини яна бир бор намоян этиб, уларнинг ҳар бирига воқеа тафсилоти ва унинг сабаблари бўйича саволларига асосли жавоб қайтарди. Ўша йигилишнинг ўзидаёқ ёлғон маълумотлар тарқатаётган айрим журналистларнинг буюртма асосида ишлаётганлигини фош этиб, югурдаклигини юзига айтди. Ҳатто бор ҳақиқат, ҳақ гаплар айтилса-да, унга ишонмайдиган, тўғрироғи, ишонини истамайдиган айрим мўътабар «зот»лар бор-

лигидан, бу воқеанинг сценарийсини аслида мана шундай буюртмачилар «ёзиб» берганидан халқимизни огоҳ этиб, барчани хушёрликка чақирди. «Ўзбек қарам бўлмайди», деган буюк ғояни илгари суриб, нафақат андижонликларнинг, балки бутун Ўзбекистон халқининг руҳини кўтарди.

Вақт-олий ҳакам. У ҳамма нарсани ўз жойига қўйди. Тили бошқа-ю дили бошқалар фош бўлди. Одил суд ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа ажратиб, айбдорларнинг қилмишига яраша тегишли жазо тайинлади. Аммо юқориде айтганимиздек, булар ҳам нафақат андижонликларнинг, балки бутун ўзбек халқининг юрагига ўчмас жароҳат қолдирган ўша машғум воқеани унутишга, ундан айри яшашга асос бўлолмади. Чунки бу ҳаракат фақат андижонликларга эмас, бутун Ўзбекистон халқига, унинг мустақиллигига қарши қаратилган ҳаракат эди. Яъни воқеаларга чуқурроқ назар солсак бировларнинг ноғорасига ўйнаб, Андижонда зўравонликлар содир этган «Акримийлар»нинг ҳам, уларнинг ноқонуний ҳаракатларига қарши курашган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам, ачинарлиси, бу тўполонда ҳалок бўлган ва жароҳат олиб жабр чеккан

фуқаролар ҳам андижонликлар. Етти пуштини суриштирсанг, уларнинг кўпчилиги бир-бирига қариндош бўлиб чиқади.

Хўш, шундай экан, нимага ҳамюртлар, ҳамшаҳарлар, қондошлар бир-бирига қарата ўқ отди? Наҳотки улар бир-бирига душман бўлса? Бири иккинчисини, янада очиқроқ айтсак, тоға жианни сийлаш ўрнига, ерга судраб ура кетди. Ёки ўлар бирор нимани ўзаро бўлиша олмадиларми? Гап шундаки, мустақиллигимизни, истиқболимизни кўра олмайдиган ганимларимиз ўзининг манфур ғоялари билан айримларнинг, айниқса, ёшларнинг миясини заҳарлади. Уларни ўз дўстларига, ҳатто ҳар қандай дўстдан афзал бўлган ота-оналарига ҳам қарши қўя олди.

Ёш болага «Сен зўрсан, полвонсан, ҳеч кимдан кўрқмайсан, вой бунинг мушакларини қаранг, – десангиз, кўчага чиқиб ўзидан кичик боланинг бурнини қонатиб келганидек, айрим чет эллик айёр ағёрларнинг «Сиз буюксиз, Сиздан буюк аллома дунёда йўқ», – деган алдовларига учган Ақром Йўлдошев ўзининг гунаҳларини ишга солиб, кучини ўз юртдошларига кўрсатди. Қавм-қариндошининг бурнини қонатиб, бир умрлик тавқи лаънатга қолди.

Душманларнинг ноғорасига ўйнаганлар уларнинг ҳаракатидан кўзлаган асл мақсади халқнинг мавжуд қонуний ҳукуматга ишончини йўқотиш, маҳалладошлар, қариндошлар ўртасига ҳам нифоқ солиш эканлигини фаҳмлаганида бу кўргуликлар бўлмасди. Ўзбек халқининг бирлигига, бирдамлигига путур етқа-



зиш ниятида қурол кўтарганини билганида ўзларининг ака-укаларини, тоға-жианларини ўзлари учун тирик қалқон қилмасди.

Начора, ҳар балонинг индаллоси ақли қосирликдан. Ёш болага ширинлик берган одам отасидан ҳам яхши кўринганидек, беш-тўрт доллар берган пўрим кийинган «акалар» йигитчаларга ота-онасидан ҳам азизроқ кўринган бўлса не ажаб. Акс ҳолда уларнинг гапига кириб, қавму қариндошини ҳам ўққа тутишганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Шунинг учун бировнинг гапига киришимиздан олдин фалончи менга бу таклифни нима мақсадда айтди, бунинг ортида қандай гап бор экан деган саволни ўзимизга бериш одатимизга айланиши керак. Мушук офтобга текинга чиқмаганидек, бировнинг ҳады қилган пули ортида бир касри бало борлигини фаҳмлайдиган замон келди.

Шошганда лаббай топилмайди, деганларидек, воқеанинг дастлабки дамлариде баъзан бор имкониётлар ҳам бўй берилди. Бу ҳақда айрим кўнгли тоза хорижлик журналистлар тўғри гапни айтишди. Аччиқ бўлса-да ҳақ гапни тан олиш керак. Яъни хорижлик журналист Йозеф Шустер Ўзбекистон матбуоти Андижонда террорчилар томонидан ёқиб юборилган театр фонидан яхши фойдалана олмайди. Чунки европалликлар театрга ўт қўйганларни жуда ёмон кўради. Агарда ёқиб юборилган театр тўғрисида ахборот берилганида европалликлар ўша заҳотиёқ террорчиларга нафрат кўзи билан қарашарди, – деган фикрни билдирди.

Бу гап афсусланишга арзимаса-да, ундан сабоқ чиқаришдан ҳам кўра, биз бошқа бу сингари қандай хатоларга йўл қўйдик деган саволни беришга ундайди. Зеро, биргина журналистлар эмас, балки барча соҳа ходимлари ҳам қаердадир, қандайдир хатоликка йўл қўйгани боис ҳам бу воқеалар рўй берди. Буни тан олиш керак.

Назаримда, биринчи навбатда бамайлихотирлик, ҳамма ёқ тинч, ҳамма ёқ осойишта деган фикр кўнгида устунлик қилди. Кўшнимизнинг боласи кўринмай қолди, қаерда юрган экан-а, ўзимизнинг фарзандимиз нима иш қиляпти, ким билан юрибди, деган саволлар биров унутилди. Роҳат истангроҳатдан қоч, деганларидек, хотиржамлик истадигу хотиржамликдан қочолмадик. Яъни хушёрликни йўқотдик.

Оиласи манфаати йўлида жон қуйдирмаган одамдан яхши инсон чиқмайди. Чунки унда янгиликка ва яхшиликка интилиш туйғуси йўқ. Қишлоғи ёки маҳалласига қарашмаган, ҳашардан қочган кишидан ҳам яхшилик кутиш бефойда. Чунки унда элдошларга эш бўлиш, эл бўлиш нияти йўқ. Қўли узун бўлган мансабдор ҳам қишлоғига, қишлоқдошларига қайишмас экан, унинг катталиги бир пул. Қуш сингари қанчалар юксак парвоз қилмасин, бир кунмас бир кун ерга қўниши тайин. Қариганда тўрга ўтинг дейдиган одам топилмай қолган кун у ўзининг катталигини эмас, балки фаҳми катталигини англаб етади.

Шундай экан ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғусини биз энг аввало, оилага садоқатдан бошлаш

кераклигини унутмайлик. Оиласига меҳри бўлган одам уйдан орттирса қавму-қариндошига, сўнгра маҳалладошларига яхшилик қилади. Бундай одамлар қўли узун бўлгани сари халққа яхшилик қилаверади. Улар қаерда бўлмасин элга нафи тегаверади.

Андижон воқеалари ички ишлар ходимлари учун ҳам катта сабоқ бўлди. Хатолардан хулоса чиқарилди. Тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилди. Вазирлик раҳбарияти томонидан Андижон воқеалари пайтида оммавий тартибсизликларни бартараф этишда хизмат бурчини бажараётиб ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига тегишли моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Кўпчилигининг номи абадийлаштирилди. Кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликлари тўғрисида китоблар ёзилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бир оилада бўлган жанжал ҳам, тинч кун ҳам ўша оиланики. Наф кўрса ҳам, зарар кўрса ҳам, ажри ҳам, жабри ҳам ўша оилага тегади. Шу боис, Андижон воқеасининг барча асоратлари ҳаммамизга тегишли. Ҳатто ўн беш йиллик мустақиллигимизга эмас, балки минг йиллик қадриятларимизга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсата олган бу машғум воқеанинг сабабларини чуқур англаб тегишли чоралар кўришимиз, сабоқларидан хулоса чиқариб мулоҳаза ва мушоҳада юритишимиз, пировардида эса бошқа сира такрорланмаслигини таъминлашимиз шарт.

Шухрат РЎЗИЕВ,
республика
НИВ ШТБИХ катта
инспектори,
майор.



Катта сержант Зоҳиджон Мамасидиқов 1973 йилда Жалолқудуқ туманида туғилган. 1995 йилда Андижон вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасасида назоратчи бўлиб ишлаб бошлади. Утган йиллар мобайнида у жамоада муносиб обрў-эътибор топиб, бир неча марта рағбатлантирилган.

Зоҳиджон беҳуда кўча-кўйда ўйнаб юрадиган бола эмасди. Ота-онаси икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, вояга етказганди. Зоҳиджон ёшлигида отасининг (ҳозир истеъфодаги майор) гоҳ шапкасини кийиб кўрар, гоҳ елкаларига осилиб, мен ҳам сиз каби, бобом каби мелиса бўламан, дер эди.

Бир кун аяси мактабдан келган Зоҳиджонга мол-ҳолга қарашни топширди, дастурхон тугиб, тўйга кетди. Келиб шоша-пиша оғилга кўз ташласа, охур бўм-бўш. Эғнидаги кўчаллик кийимларини ҳам ечмай, ўғлини излаб йўлга тушди. Уни сой бўйида балиқ тутиб турган жойидан топди.

— Зоҳиджон, бу ерда нима қилаяпсан, моллар оч қолибдику, — дея уни қувлашга тушди. Зоҳиджон сакраб-сакраб, сойнинг нарёғига ўтиб кетаркан, бақирди:

— Аяжон, сиз келманг, ботиб қоласиз.

— Ҳали сенми, молларга қарамай балиқ тутадиган, — дея Турдихон ая сой кеча кетдию, бота бошлади.

— Вой, аяжоним, — дея Зоҳиджон ортига чопди. Қўлидан тортиб чиқариб олди-да, аясига меҳрибонлик қила кетди. Она-бола иккиси уйга келди. Она жиққа ҳўл кийимларини алмаштириб чиққунча Зоҳиджон молларни саранжомлаб бўлди. Сўнг аясига қараб:

— Мени қувламанг, дедим-ку, — деди.

Иккаласи баравар кулиб юборишди. Шундан буён катта бўлганида ҳам, аясини соғинтириб ҳарбий хизматга, ишга кетган чоғларида ҳам ҳазиллашгиси келса, аяжон, мени яна қувлайсизми, дея сўрар, ҳаммалари баравар кулиб юборишар эди.

Ўзи шунақа шўх, ҳазилкаш, табиатни, жониворларни, ҳайвонот оламини севади у. Уйдаги ҳамма молларга ном қўйиб олган эди. Зоҳиджон ишдан уйга келса, ит ҳам, сигир-бузоқлар ҳам ўзларича суяниб, гимирлаб қолишарди.

— Дадажон, менга оғир ишларни буюринг, кўпроқ иш топиб қўйинг, — дерди.

Ойлик маошини олгач, дадасига пул бериб кетар, «Дада, даволанинг, ҳеч

нарсани ўйламанг», — дерди. Ўзлари алоҳида уй қилиб чиққан бўлсалар ҳам, ишдан келиб-боқ, ота-онасидан хабар оларди. Турмуш ўртоғи Одинахон билан маслаҳатлашиб, маошларидан орттириб, укасининг ўқиши учун пул бериб кетарди. Укасининг олий маълумотли бўлишини, отасига, ўзига суянч бўлишини орзу қиларди. Далажон, мен ишлаб турибман-ку, укам ўқисин, катта одам бўлсин, деб айтарди. Аяси яса-ниб тўйга отланиб турган бўлса, яна ўша гапни айтарди:

шининг меҳри ҳаммамизга етарди.

Отажоним бетоб бўлиб, қазо қилганларида куюнавериш, ётиб қолдим. Шунда Зоҳидбек акам, Одинахон, ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизда бор, сиз ёлғиз эмассиз, менга суянинг, деб юпатиб олдилар. Биз севиб-севилиб яшаётган эдик. Менинг ҳаммаданам яқиним, суянчим, меҳрибоним, ҳаётим маз-



Зоҳиджон унинг иккинчи фарзанди. Аслида Зоҳидбек Мамасидиқов ҳам бобо ва ота изидан борди. Куролли кучларда йигитлик бурчини ўтагач, дастлаб дон саралаш корхонасида олдий ишчи бўлиб бир йил меҳнат қилди. Сўнг жамоа йўлланмаси билан Андижондаги ҳибсхонага ишга кирди. Утган ўн йил мобайнида у ўз касбига, Ватанига садоқатли хизматчи эканлигини исботлади.

Шундан бўлса керак, хизмат лавозими ва унвони ортиб борди.

— Зоҳиджон шахсий ҳаётда ҳам ибратли бўлган, — дейди қишлоқдош дўстларидан бири Мадаминжон Йўлдошев. — У бизга жўрабоши эди. Барчамизнинг тўй-тантана, маросимларимизнинг мазмунли ўтишига муносиб ҳисса қўшган. Биз шундай дўстимиз билан фахрланамиз.

Андижон ҳибсхонаси хизматчиси, катта сержант Зоҳиджон Мамасидиқов 13 майга ўтар кечаси ўз хизмат вазифасини сидқидилан бажараётганда мардларча ҳалок бўлди. Унинг до-вюраклиги, ўз халқи ва қасамёдига садоқати Президентимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг яқинлари Конституция байрами нишонланган кун Тошкентга тақлиф қилиндилар. Бу ерда мард ўғлоннинг «Жасорат» медали уларга тантанали суръатда топширилди. Бундай рағбатлантириш, эъзоз ва эҳтиром кўрсатилиши юртоқшимиз яқинларининг ўксик қалбида яна бир бора таскин, гурур ва ифтихор уйғотди.

— Зоҳиджон яхши оилада тарбия қўрган, меҳнатсевар йигит эди, — дейди подполковник Иброҳимжон Жўраев. — Унинг отаси Тўлқинжон акани барча ҳурмат қилади. Зоҳиджон ҳалок бўлганини эшитиб, ҳаммамиз қайғуга тушдик. Фотиҳа, кўнгил сўраш учун уйларига кирдик. Ёнимдагилар фуқаролик, мен хизмат кийимига эдим. Бир пайт сочлари патила, чиройли қизалоқ югуриб келди. «Ана, дадажоним келди-ла», деб бўйинимга осилиб олса бўладими? Зоҳиджоннинг қизалоғи экан. Далам ишдан келди деб кутиб турган экан. Шу кун ийелаган ҳам, йиғламаган ҳам йиғлади. Кўксимиз тилкаланиб кетди. Отасиз қолган қизалоқнинг «Дадам қани?» деган сўроғига жавоб берадиган бирор мард йўқ эди...

МЕҲРИБОН ОТА, КУЮНЧАК ЎҒИЛ ЭДИ...

— Аяжон, мени қувламайсизми?!
Ҳамма бирдан куларди.
Одинахонга уйдагиларнинг тавсияси билан уйланганди.

— Ишхонадагилар бир йигит сўраб келганини айтишганди, — дея эслади Одинахон. — Чиқсам барваста, хизмат кийими, мўйлови ўзига ярашган, истараси иссиқ йигит турибди. Шошганимдан ичкарига киринг, деб юборибман. Ўтиришга тақлиф қилдим, ўзим ўтиролмай нуқул титрайман. Кўзларига қарагани уяламан... У киши аҳволимни сездилару кимнинг тавсияси билан, нима ниятда келганларини айтдилар.

Орадан уч ой ўтиб, тўйимиз бўлгандан сўнг кўрдим Зоҳиджон акамни. Ўзларига ярашган хизмат кийимларини яхши кўрардим. Ювиб, дазмоллаб, погонларни қалашни билмай ўзларидан ҳам сўрай олмай турсам: «Келинг, қараб туринг, ўзим ўргатиб қўяман», деб тушунтириб бердилар.

Форма кийган йигитларга рафиқа бўлиш осон эмас экан. Ҳамиша ҳам уйда бўлавермас, биз ишдан келишларини соғиниб кутиб ўтирар эдик. Ҳар гал дарвозага чиқиб, ортларидан ҳавас билан қараб қолардим.

Орадан уч йил ўтиб, қизимиз Моҳинур туғилди. У киши ота, мен она деган ном олиб суянганларимиз. Яна уч йил ўтиб Моҳларойимиз туғилганда бошимиз осмонга етганлари... У ки-

муни эдилар. Ишингизни бунча яхши кўрасиз десам, шоир бўлиб кетардилар. «Сизларни, Ватанимни севаман! Шунинг учун ишимни яхши кўраман» деб, шеър ҳам ўқиб берардилар.

**Меҳрингга кун сайин қониб борарман,
Ватан, гулиг бўлай ўчоқларингда.
Сеҳрингдан юрагим ёниб борарман,
Ватан, гулхан бўлай ўчоқларингда!
Ошиноси бўлайин, кўрсат мардингни.
Берил, бир жонимга қирқта дардингни.
Ёвга раво кўрсам зарра гардингни,
Тилка-тилка бўлай пичоқларингда!**

Шундай ҳимоячимиз борлигидан бошимиз осмонда эди. Зоҳиджон акам ҳаётлигида ёниб, завқланиб, яшардилар. Бизга ҳам ҳаёт қизиқ эди.

... Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Шаҳрихончеки маҳалласида «Абдурахмон мелиса» деган инсон яшаган. У киши узоқ йил ички ишлар тизимида садоқат билан хизмат қилиб, одиллиги ва халқпарварлиги учун юртоқлари ҳурмат-эътиборини қозонган. Кўплаб шоғирлар етиштирган. Шулардан бири ўғли Тўлқинжон Мамасидиқов бўлади. Истеъфодаги майор Тўлқинжон ака ҳам салкам 30 йил ота касбини улуғлаб, кам бўлмади. Табиатдан ҳушфез, дилкаш бу инсон маҳалла фаоли. Нафақага чиққанидан бери маҳалладошлари орасида. Унинг икки ўғли, уч қизи бор. Бу оила ҳар жиҳатдан ибратлидир.

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Лейтенант Ихтиёржон Тошматов 1981 йил 9 майда Хонобод шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртини битиргач, хизмат фаолиятини 2003 йил июль ойида Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони махсус отряди инспектори сифатида бошлади. Ёш бўлса-да, иқтидорли, пухта билимли йигит тез кунда раҳбариятнинг ишончини қозонди. Орадан бир йил ўтиб, батальон 4-отряд командирининг хизмат бўйича ўринбосари лавозимига тайинланган эди. «Жасорат» медали билан тақдирланган.



Болалигида ўртоқлари билан «уруш-уруш» ўйнаган чоғларида, ҳаётда ростакам уруш борлигини билмасди. Унинг ёғоч куролларидан ўқ отилмади. Хипчиндан ясалган отига миниб, ҳаммадан ўзиб кетарди.

Ихтиёржон оилада тўнғич фарзанд эди. Ука-сингилларига дарс тайёрлашда доимо ёрдам берар, уларни ҳимоя қиларди. Болалигидан бир ишни бошладими охирига етказмасдан қўймасди. Ички ишлар ходими бўлишга қарор қилгач, спорт билан қаттиқ шуғуллана бошлади, 1999 йили республика ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртига ўқишга кирди. У фақат аъло баҳоларга ўқирди. Шунинг учун оширилган стипендия оларди. Укаси Элдиёр Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро алоқалар факультетида таҳсил оларди, Ихтиёржон унга билим юртида олган стипендиясидан бериб турарди. «Олавер, укажон, мен давлат таъминотидаман. Пул деярли керак эмас, хижолат бўлма. Фақат яхши ўқи», дерди.

Ота-инилар Тошкентда тез-тез кўришиб туришарди. Бирга таътилга келишганида уйда чинакам байрам бўларди. Ота-онаси баъзан уларни кўргани пойтахтга бориб туришарди.

Олий ҳарбий-техника билим юрти раҳбарияти Ихтиёржоннинг ота-онасига: «Шундай ўғилни тарбиялаб вояга етказганингиз учун ташаккур! Қанийди ҳамма курсантлар ҳам ўқишга у сингари виждонан муносабатда бўлишганида эди...», деб раҳматлар айтганди.

Ўқишни тамомлагач, Андижон вилояти ИИБ Патруль-пост

хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига ишга қабул қилинди. Орадан бир йил ўтиб, ёш, интилувчан офицерни ППХ батальони 4-отряд командирининг ўринбосари лавозимига ўтказишди.

— Лейтенант Тошматов камгап, интизомли, илмли, ўз хизмат вазифаларини яхши биладиган офицер эди, — деб ҳикоя қилади 4-отряд командири, капитан Режавали Холиқов. — У кўз олдимизда офицер сифатида улғайди, тажрибали ходимлардан кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қиларди. Билмаганларини сўрашдан уялмасди. Олдий одамларнинг кадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жиноятчиликка қарши курашга ҳаммаша шай эди. Ҳамкасблари уни жуда яхши кўришар, қатъ-

ийлиги, ҳақгўйлиги учун ҳурмат қилишарди.

— Шу уйни қурганимизда 4-5 ёшларда эди Ихтиёрим. Ҳали бола бўлса ҳам менга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Ҳали гишт, ҳали тош келтирарди. Мактабга фақат илм олиш учун борарди. Меҳнаткаш эди. Оиламизнинг таянчи, сингилларининг ҳимоячиси эди. Нима иш топширилса, уни кўнгилдагидек қилиб бажарарди, — дейди отаси Равшанбек Тошматов. — Яхши ниятлар билан Нигорахонни келин қилдик. Тўйнинг ярмидан кўп ташвишларини ўзи ҳал қилди. Айвонни ойна билан ёпамиз, ошхоналарни бошқача қилиб қурамиз, дерди. Атиргуллар, пальма, банан каби турли дарахтлар, тувақларга хилма-хил гуллар экканди. Уйдагилар нимани орзу қилаётганини илгарироқ билиб қўярди-да, туғилган кунни ўшани совға қиларди. Дастурхонни байрамонга безатарди.

Ота-бола дўстона гаплашардик.

— Дада, биринчи фарзандим ўғил бўлса, ўзингиз тарбиялаб берасиз-да. Ўғлимни генерал қиласиз-а? — дерди.

Ўғлим форма кийди, ёнимга кирди, деб қаттиқ суянган эдим. Ичмасди, чекмасди, ҳаром пулдан ҳазар қиларди. Бокс тушарди, тош кўтарарди.

Андижон тарихига қон билан битилган 13 май кунини...

— Эрталаб Ихтиёржон одатдагидек ишга отланди, — дея ҳикоя қилади Раҳбар опа. — Ўғлимни кузатиш учун дарвозага чика чикдим. Дуо қилиб, хайрли тилаклар билдирдим. Шу пайт кўшимиз келиб:

— Ихтиёржон, хизматга бораётган бўлсанг, фуқаролик кийимингни кийиб ол. Энг яхшиси, бутун ишга бормай қўя қол. Кечаси шаҳарда тартибсизликлар юз берибди. Ички ишлар ходимларини ўққа тутишаётган экан, — деди.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, амаки, — жавоб қайтарди Ихтиёржон. — Агар биз, уй-уйимизга беркиниб олсак, жиноятчиларнинг йўлини ким тўсади?

Ихтиёржон навқирон 24 ёшида 13 май кунини ҳалок бўлди. Ҳаётга чақмоқ каби келиб кетди. 26 август кунини турмуш ўртоғи Нигорахоннинг кўзи ёриди. Ихтиёржон орзу қилганидек, паҳлавон ўғил. Равшанбек ака билан Раҳбарой опа топганини тугун қилиб етиб боришди. Худди отасининг ўзи. Болам тирилиб келди, дея ҳам кулиб, ҳам йиғлашди. Муҳаммаддиёрни бағрига босиб суратга тушишди. Куйиб ётган, ўт туташган юракларга таскин бўлди, чақалоқ.

— Дада, буни генерал қилиб тарбиялайсиз, — деди Нигора эрининг гапларини эслаб...

Ҳаммаларининг юзида фахр ва табассум бор эди. Ашаддий тажовузкор тўда отган ўқ Ихтиёржонни ер юзидан ўчириб юборолмаган экан. Ихтиёрнинг бешинга ўғил беланди. Кўрасиз ҳали, от изини той босади.

Ушбу ҳикояни хизмат бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари — уч қахрамон — Маткарим Матжонов, Олимжон Асқаров ва Муса Гашимовларнинг руҳи покларига бағишлайман.

Муаллиф.

Олимжон йўл-патруль хизмати масканидан чиққанида гир-гир эсиб турган тонгги шабада юзига ёқимли урилди. У маза қилиб керишиб, шериги Мусадан сўради:

— Ҳаммаёқ тинчми, ошна?

— Ҳа, — гапни қисқа қилди қорамгаздан келган, келбатли, бурни катта ҳамкасби ва пича дам олиш учун хона ичкарига йўналди.

Ҳаш-паш дегунча тонг ёришди. Аввалига у ер-бу ердан битта-иккита чумчуқ чирқилладию, кейин худди келишиб олгандай қушлар симфонияси бошланди. Олимжон хизмати давомида неча бор тонг отишини ана шундай бедор қаршилаган. Ҳар гал қушларнинг янги кунни кутлаб айтган мадҳияси унинг руҳини юксак-юксакларга кўтарган. Бу сафар ҳам юраги қувончдан ҳаприқиб, кўзларига ҳамма нарса ўзгача чиройда кўринарди. Тўхташ ишорасини қилмаса-да, икки киши мингашган қизил рангли «Ява» мотоцикли маскан ёнига келиб тўхтаганда Олимжон жиндак ҳайрон бўлди.

«Бирор жойга бориш йўлини суриштироқчидир-да», — деган ўйда мотоциклдан тушган йигитлар ёнига бориб, қўлини чаккасига қўйиб хушмуомалалик билан ўзини таништирди:

— Сержант Олимжон Асқаров бўламан. Хўш, хизмат...

Унинг гапи бўғзида қолди. Кутилмаганда ўқ овози янгради. Олимжон нима гаплигини ҳам англаб улгурмай чаккасига тираб отилган тўппонча ўқидан ҳалок бўлди.

Ажабланарлиси, битта фронтда бўла туриб бир-биримиз билан дийдорлаша олмасдик. У кишини бир бора кўриш илнжиди эдим. 1945 йил апрелда отамнинг навбатдаги хатини олдим. Унда ёзилишича, отам Берлин шаҳридаги жангларда иштирок этаётган экан. Бу дамда мен Прага шаҳрида эдим. Шу орада буюк ғалабага эришдик. Ҳаммаёқда аскарларнинг шоду хурамлиги, зафар қувончи ҳукмрон бўлган бир пайтда отамни қидириб топишга аҳд қилдим. Бу ҳақда командиримиз полковник Матюшинкодан илтимос қилган эдим. У сўзимни ерда қолдирмай:

— Бора қол, отангни кўриб кел, — дея ёнимга ҳамроҳ ҳам кўшиб берди. «Варшава — Берлин» йўналиши бўйича 700 км йўл босиб, 1945 йил 25 майда отам билан Берлинда дийдорлашишга муяссар бўлдим. Кўзларимдан қалқиб чиққан ҳар бир ёш мен учун падари бузрукворимнинг дийдорини кўрганим, шунингдек, ғалаба қувончи ёшлари эди. Шундан сўнг отамни Узоқ Шарқ урушига жўнатишди. Мен эса разведкачи сифатида Фарбий Украинада хавфсизлик

хизмати бўлинмаси сафида қолдим. 1946 йилда ўз юртимга, қишлоғимга ёруғ юз билан қайтиш насиб этди.

— **Урушдан кейинги ҳаётингиз қандай кечди?**

— Ўша йилдан бошлаб офицер сифатида дастлаб Фарғона вилояти ИИБда турли лавозимларда хизмат қилдим. Орадан икки йил ўтиб, Фарғона шаҳар ИИБ бошлиғи этиб тайинландим. Зиммамга юклатилган вазифани астойдил уддалашга ҳаракат қилардим. Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасига раҳбар бўлиб борганимда, эндигина 32 ёшли йигит эдим. У ерда орттирган тажрибамни 1964 йилдан эътиборан Самарқанд вилоятида ҳам қўллашимга тўғри келди. Бу азим ҳудудда жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширишда бош-қош бўлдим.

1967 йил куз фаслининг охири эди. Жомбой туманидаги омонат кассасига бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар ҳужум қилиб, катта миқдордаги маблағни қўлга киритади. Кейин такси тўхташиб, воқеа жойидан қочиб кетди. Йўлда эса ҳайдовчини

ўлдириб, машинани жарликка ташлаб юборди. Бизга тушган тезкор хабар асосида барча зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Зудлик билан кўрилган чоралар ўз самарасини берди ва жиноятчилар қисқа вақт ичида қўлга олинди.

— **Ички ишлар ходими қандай хислатларга эга бўлиши керак?**

— Аввало, қийинчиликлардан кўрқиши керак эмас. Биласизми, авваллари зарурий алоқа ва автотранспорт воситалари етишмаслигидан қийналар эдик. Лекин топшириқ, вазифалар бажариларди. Ҳозир-чи? Барча шарт-шароитлар, замонавий алоқа воситалари, компьютер жиҳозлари муҳайё этилган. Бироқ айрим ёшлар хизматда қийналдим деб ишдан бўшаб кетаётганини эшитиб ҳайрон бўламан. Бу соҳада матонатли кишиларгина хизмат қила олади.

— **Шогирдларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Шогирдларим шу қадар кўп-ки, уларни ном-ном санаб ўтсам, газетангиз саҳифасида жой қолмайди. Улар орасида генерал-майор унвони билан истъфога чиққанлари ҳам бор. Тошкент ви-

лоятдан Ф. Зокиров, Фарғонадан С. Собиров, Сурхондарёда М. Норов, Самарқандда М. Ўриновлар шулар жумласидандир. Шогирдлар камолини кўриш катта бахт. Бу менга насиб этганидан бахтиёрман.

— **Фарзандларингиздан бирортаси касбингизни давом эттиряптими?**

— Уч нафар фарзандим бор. Икки қиз ва бир ўғил. Қизларим шифокор. Худода шукр, олтига набира ҳамда иккита чеваранинг суюкли бобожони бўлиб юрибман. Ўғлим Бахтиёр ички ишлар хизматида ишлаган, ҳозир нафақада.

— **«Хотира ва Қадрлаш куни» муносабати билан дилдаги эзгу тилақларингиз.**

— Барчага саломатлик, оилавий бахт, тотувлик тилайман. Эндигина ички ишлар идоралари сафига кирган ёш йигитлар биздек юксак унвонлар соҳиби бўлишсин. Фахрий дўстларим ҳам бардам, тетик бўлиб юришсин. Қалам аҳлига ижодий ютуқлар ёр бўлсин. Илоҳим, юртимиз осмонда тинчлик ва осойишталик куёши барқ ураверсин.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Суҳбатдош: Азизжон ФАЙЗИЕВ.





AZIZ TENGDOSHLAR!

Sahifamiz orqali be-
rayotgan topshi-
riqlarimiz sizga
ma'qul kelayaptimi?
Sizni qiziqtiradigan yana
qanday topishmoqlar
tuzishimizni istaysiz?
Bizga maktub yozing.




Sizga yana bir kichkina fokus o'rgataymi? Marhamat, diqqat bilan o'qing va tushunib oling.

Eng avval oyingiz yoki adangizdan 10 so'mlik tanga pul so'rab oling. So'ngra tangani kaftingizning o'rtasiga qo'ying. Mehmon bo'lib kelgan o'rtog'ingizga kiyim tozalaydigan cho'tkani berib, kaftingizga turgan tangani ishqalab tushirishi kerakligini ayting. O'rtog'ingiz qanchalik harakat qilmasin, tangani tushira olmaydi!

Sababi esa oddiy. Cho'tka ishqalanayotganda uning «sochlari» tangani itaradi, ammo qayrilgan «sochlar» o'z navbatida tangani ortga ham qaytaradi. Natijada tanga qimirlamay o'z joyida qolaveradi.

**BO'LAJAK
HUQUQSHUNOSLAR UCHUN**




Bir xonadonda bosqinchilik sodir etildi. Tasavvur qiling, xuddi shu paytda siz voqea sodir bo'lgan joyda edingiz. Tergov ishlariga yordam berishingiz uchun quyidagi savollarga javob berishga harakat qiling. (Rasmga nigoh tashlash uchun sizga 20 soniya vaqt beriladi).

1. Mashina raqamini eslab qoldingizmi?
2. Mashinada radio bormidi?
3. Haydovchi chap tomonda o'tirganmidi yoki o'ng tomonda?
4. Mashinaning pachaqlangan joyi bormidi, bo'lsa - qayerida?
5. Bosqinchilar necha kishi edi?
6. Qop ko'tarib kelayotgan bosqinchining qanday asosiy belgilariga e'tibor berdingiz?
7. Zinada necha kishi turgandi?
8. Binoga zarar yetkazilganmidi?
9. Bosqinchilikni yana kimlar ko'rdi?




Musiqashaydosi bo'lgan bu sharq malikasiga yaxshilab e'tibor bering.


O'ng tomondagi buyumlar ana shu malikada yashiringan. Ularni izlab toping.




Gugurt cho'plari-
ridan yasalgan
tarozi pallasi
bir tomonga
og'ib turibdi.
Siz beshta
gugurt cho'pini shunday
almashtiringki, natijada
tarozi pallasi teppa-teng
bo'lib qolsin.




Qaroqchilar haqida ko'p ertaklar o'qigansiz, multfilmlar, kinofilmlar ko'rgansiz. Ularning yovuz qilmishlaridan nafratlangansiz. Quyidagi rasmda ikki qaroqchi tilla sandiqqa birinchi bo'lib erishmoqchi. Siz avval kim birinchi bo'lib xazinaga yetib borishini aniqlang, keyin esa bu yo'llarni bo'yab tashlang, toki bu tekinox'rlar xazinaga umuman yetib bora olishmasin.




O'tgan safar sizga Olmaxonning rasmini chizishning oson yo'llarini o'rgatgan edik. Endi esa quyonvoyning bosh qismini tez va chiroyli chizishni ko'rsatib bermoqchimiz.




1. Tugallanmagan doira chizish unchalik qiyin ish emas.




2. Uning ostida ikkita tuxumsimon shakl chizamiz. Bu quyonvoyning lunji bo'ladi.




3. Yana ikkita kichik shakllar bilan ko'z o'rnini chizib olamiz.




4. Ko'zni rasmdagidek qilib bo'yang.




5. Endi quloqlarni chizib olamiz.



6. Navbat burun va og'iz qismiga keldi.



7. Mo'ylov qo'yish uchun chiziqchalar tortish juda oson.



7. Tayyor rasmini didingizga mos tarzda bo'yang va chizgan rasmingizdan zavq oling.

Sahifani
E. SATTOROV
tayyorladi.

КИКБОКСЧИЛАРНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентда кикбоксинг бўйича навбатдаги Жаҳон чемпионати ўтказилди. Уч кун давомида дунёнинг ўн беш давлатидан келган спортчи-

лар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Бу нуфузли мусобақада республика камизнинг «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вакиллари мисли кўрилмаган нати-

жаларга эришдилар. Ўн етти нафар динамочи шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ҳар гал улар шаънига давлатимиз мадҳияси янграганда дилларда қувонч ва

гурур ҳисси жўшиб турди. Б. Аҳмедов, А. Мусоев, Д. Иноғомов, Ш. Сулаймонов, Х. Нуъмонов, Ф. Абдуназаров, Ж. Мирзабоев, С. Раҳмонқулов, В. Апарин, Б. Ғойипов, Э. Папидинов, Б. Норов, М. Мирсолиев, А. Алимбеков, Ш. Исроилов, Ш. Хўжаниёзова, Ф. Сафаровлар олтин медални қўлга киритиб, чемпион унвонига эга бўлдилар. Г. Раҳимова, Ш. Сулаймонов, Р. Эргашев, Х. Нуъмоновлар кумуш медаль совриндори бўлишди. Б. Аҳмедов, Б. Норов, Ш. Низамова, М. Эргашев, Ж. Собиров, Ш. Зоҳидов ва М. Мирсолиевларга бронза медали топширилди.

Шуниси эътиборлики бир неча курашчимиз бир йўла икки йўналиш бўйича чемпионлик унвонига эга бўлдилар.

Рустам САҒАТОВ.



КАРАТЭ

ЭПЧИЛЛИККА БОҒЛИҚ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ клублари ўртасида Марказий Осиё очик чемпионати мусобақалари ўтказилмоқда. 5 май куни 1988 – 1998 йилда туғилган ўғил бола ва қизлар ўртасида яқка ҳамда жамоа ката баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақаларда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Италия, Россия, Малайзия ҳамда Эрон давлатлари спортчилари иштирок этишмоқда.

А. ФАЙЗИЕВ.

ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ ЯКУНЛАРИ

Жиззах вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Мусобақада жами бўлиб 19 та жамоа иштирок этди.

Кескин ва мурасасиз руҳда ўтган мусобақа якунларига кўра биринчи ўринни Жиззах шаҳар ИИБ жамоаси қўлга киритиб, ўтган йилги ғолибликни сақлаб қолди. Иккинчи ўринга Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси жамоаси сазовор бўлди. Бахмал тумани ИИБ футболчилари эса учинчи ўринни қўлга киритишди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида аёллар ўртасида илк маротаба автомобиль спорти бўйича «Автоолам маликаси» деб номланган мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақа бир неча тур бўйича ўтказилди. Аввало, автоҳаваскорлар йўл ҳаракати қодалари бўйича билимларини синаб кўришди. Кейин эса тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида уларнинг қобилиятлари синовдан ўтказилди. Шундан сўнг иштирокчилар турли хил йўналиш ва ҳолатларда машина бошқариш («илон изи», «кириш, чиқиш», «айланасига») ҳамда балон алмаштириш ва бошқа йўл ҳаракати қодаларида кўзда тутилган кўникмалар бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Бу ажойиб спорт байрами республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар

ЗУЛФИЯ – «АВТООЛАМ МАЛИКАСИ»

ҳокимлиги, «Ралли-спорт» спорт-техника клуби, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилди.

Ғолибни тақдирлаш учун «Ўзавтосаноат» бирлашмаси «Матиз» автомашинаси ажратди. Шунингдек, қўшма корхоналар, фирма ва хусусий тадбиркорлар эса телевизор, магнитофон, фотоаппарат ва бошқа қимматбаҳо совғаларни ҳомий сифатида тортиқ қилишди. Мусобақада Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятдан келган турли касб эгалари — педагог, шифокор, тарбиячи, тадбиркор, уй бекалари, шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари иштирок этишди.

Анжуман иштирокчиларини республика Бош

вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова қизгин табриклади.

Мусобақа қизгин, мурасасиз курашлар остида ўтди. Ҳакамлар иштирокчилар эришган натижаларни ҳисоблаб чиқиб, уларнинг ҳар бир номинация бўйича тўплаган бал-

лари асосида ўринларни аниқладилар.

Тошкент шаҳар клиник касалхонаси офтальмология бўлими мудири Зулфия Махсудова «Автоолам маликаси» деб эълон қилинди. У бош соврин «Матиз» автомобилни қўлга киритди. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси хо-

димлари Наталья Панфилова ва Татьяна Давидовалар «Тойота» ҳамда «Нексия» машиналарини усталик билан бошқариб совриндорлар сафидан жой олишди.

Ҳеч бир иштирокчи совринсиз қайтмади. Ташкилотчилар бундан кейинги мусобақалар янада қизгин ўтишдан умид қилишмоқда.

А. ШЕВЧЕНКО.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.



МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Сурхондарё вилояти ИИБда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ички ишлар ходимлари ва уларнинг фарзандлари ўртасида пневматик милтиқ ва тўппончадан ўқ отиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Қизгин беллашувларга бой бўлган мерганлар баҳсида Термиз шаҳар ИИБ жамоаси ғолиб бўлди. Кумқўрғон туман ИИБ жамоасига 2-ўрин, жарқўрғонликларга эса 3-ўрин насиб этди.

Ички ишлар ходимлари ўртасида бўлган мусобақада Кумқўрғон тумани ИИБ ВУТИ бошлиғи, майор Р. Саидов 1-ўринни, Термиз шаҳар ИИБ ЖТСБ катта инспектори, майор Х. Чориев 2-ўринни, Ангор туман ИИБ кинология инспектори, сержант Б. Ибрагимов 3-ўринни қўлга киритди.

Ички ишлар ходимларининг фарзандлари ўртасидаги ўқ отиш мусобақасида эса жарқўрғонлик Жасур Хайруллаев, Термиз шаҳрида яшовчи Акмал Чориев, кумқўрғонлик М. Саидов ғолиблик шохсупасидан ўрин олдилар.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

И. ҲИММАТОВ.

ФУТБОЛЧИЛАР ЯНА ЯШИЛ МАЙДОНДА



Хоразм вилояти ИИБда ўтказилган футбол бўйича мусобақа финалига вилоят ИИБ девони, ППХ батальони, Хонқа ва Ҳазорасп туманлари жамоалари етиб келишди. Хонқа тумани ИИБ ва Папуль-пост хизмати батальони жамоалари ўртасидаги учрашувда хонқаликлар 2:1 ҳисобида ғолиб чиқишган бўлса, Ҳазорасп тумани ИИБ ва вилоят ИИБ футболчиларининг ўйинида 2:3 ҳисоби қайд этилди. Биринчи ўрин

учун майдонга тушган вилоят ИИБ девони ва Хонқа тумани ИИБ жамоалари ўртасидаги учрашув мезбонлар фойдасига ҳал бўлди — 2:1.

Ғолиблар «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

Суратда: вилоят ИИБ жамоаси. Муаллиф олган сурат.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СТАРТ ОЛДИ

Кеча Қарши шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларига старт берилди. Мамлакатимиздаги мактабларнинг спортчи ёшлари ўртасидаги беллашувларни намунали ташкил этиш учун замонавий ўйингоҳлар барпо этилди. Уқувчи-ёшларнинг дам олишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Спорт ўйинларининг саралаш босқичида 4 миллиондан ортиқ ўқувчи қатнашди. Финал босқичида спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, енгил атлетика, бадий гимнастика, сузиш, шахмат, кураш, белбоғли кураш, стол теннис, спорт гимнастикаси бўйича ўзаро куч синашди.

«Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаси машғаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш марказининг куёш ўчоғида ёндирилиб, республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг махсус автотранспорт кортежи ҳамроҳлигида спортчи ёшлар томонидан Қарши шаҳрига олиб келинди.

Мусобақалар бошланди. Келгусида таниқли спортчи бўлиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган умидли усмирлар ва ёшлар қизгин беллашувга киришдилар.

Эбдулло ХАЛИЛОВ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Навоий вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник **Бафо НАРЗУЛЛАЕВ**ни кутлуг 50 ёшга тўлгани муносабати билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустақкам соғлиқ, сермазmun умр, оилавий бахт, хонадонига файзу барака тилаймиз. Қалбингиздан қувонч, чеҳрангиздан табассум аримасин.

Навоий вилояти ИИБ ҳўжалик бўлими ҳайдовчи-милиционер, катта сержант **Наби ЖАЛИЛОВ**ни кутлуг 50 ёши билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, оғир ва шарафли хизматларида муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонидан тотувлик, файз-барака аримасин.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Истеъфодаги полковник **Холдор ака ШЕРОВ**ни таваллуд топган кунлари билан самимий кутлаймиз. Меҳрибон отажонимиз саломат бардам бўлиб, яна кўп йиллар фарзандлари, шогирдлари ва сафдошлари даврасини тўлдириб юришларини Яратгандан сўраймиз.

Эҳтиром ила оила аъзолари.



Ички ишлар идоралари фаҳрийси, истеъфодаги майор **Абдухалил ТОШПҮЛАТОВ**ни 9 май — таваллуд кунлари билан самимий муборакбод этиб, узоқ умр, саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

Эҳтиром ила, оила аъзолари номидан укаси Абдурахмон.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хўжалик бошқармасига доимий ишлаш учун сантехниклар ва электриклар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 139-79-41, 54-84-28

Тошкент Давлат юридик институти сиртки факультети томонидан Юсупова Фарида Раимжановна номига 2002 йил 4 сентябрда берилган 2м-02-189 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат юридик институти сиртки факультети томонидан Маматова Саодат Юлдашевна номига 2002 йил 4 сентябрда берилган 2м-02-171 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ПИРУ БАДАВЛАТ ОТАХОН

Дамин ака армия сафига қақирилганида йигирма баҳорни қақрилаган эди. Кавказдаги ҳарбий мактабни тамомлаб турли командирлик вазифаларида хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жон олиб жон берди. Ленинград қамалини бошдан кечирди, разведка операцияларида қатнашди. Жангларида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. Жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Икки марта оғир яраланди. Шу сабабли 1943 йил ноябрида она шахри Каттақўрғонга қайтди.



ҳаётини хавф остида қолдирди. Олдий милиционерликдан ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари даражасигача етди. Бунга тиришқоқлиги, фидойилиги, қобилияти туфайли эришди, албатта.

Д. Амиров истеъфода чиқиб ҳам тиниб ўтиргани йўқ. Турли лавозимларда ишлаб, шахримизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига, равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Кейинроқ узоқ йиллар шаҳар «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатиб, уруш ва меҳнат фаҳрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишларни амалга оширди.

Ҳозирда отаҳон фарзандлари, шогирдлари ва набиралари ардоғида. Шундай дориломон кунларга етганига шукрона айтади. Ҳар кимга ҳам ана шундай сермазmun умр насиб этсин.

М. ЖУМАЕВ,
истеъфодаги майор.

МУНОСАБАТ

ФАРЗАНДЛАРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Ёшим 85да. Ички ишларда хизмат қилишни хоҳлардим. Аммо урушда олган жароҳатларим туфайли мақсадимга эришолмадим. Бугунги кунда фарзандларим ва невараларимнинг тўққиз нафари орзуимни амалга ошириб, ички ишлар идораларида ишлашяпти. Уларнинг эл-юрт тинчилиги ва осойишталиги йўлида қилаётган хизматлари-

ни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Ҳар ҳафта «Postda» газетасининг янги сони келишини интиқлик билан кутамиз. Чунки уни оиламизнинг ҳар бир аъзоси севиб ўқийди. Саҳифалари ранг-баранг, турли мавзудаги мақолаларни қизиқиш билан мутоллага қиламиз. 2006 йил 25 март сониде чоп этилган «Охирати куйган ота» номли мақолани ўқиб, бутун вужудимни нафрат эгаллади. Ҳайвондан ҳам

тубан отага ҳар қандай жазо кам деб ҳисоблайман. Ижодий жамоадан илтимосим. Бугунги кунда ички ишлар идораларида олиб борилаётган ислохатларни ёритиш билан бир қаторда нобакор, разил одамлар қилмиши ва жиноятларининг жирканч оқибатлари, олган жазоси хусусида ҳам мақолалар мунтазам бериб борилса.

Холбой ота ҚОДИРОВ.
Ангор тумани,
Хўжанқон маҳалласи.

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

ОРТИҚЧА МАҚТОВ – ИШЛАШГА ҚОВ

Бу билан: «Ҳар нарсанинг меъёри, ҳадди, чегараси бўлганидек, мақтовнинг ҳам чеки бор. Кишининг ишидан мамнун бўлиб, уни ҳаддан ташқари мақтайверсанг, у бундан мағрурланиб, шилиниб, гердайиб, бурни кўтарилиб, босар-тусарини билмай қолиши, қилаётган ишини ҳам қилмай қўйиши – табиий бир ҳол. Шундай экан, мақтовга сазовор иш қилса, мақтагин-у, аммо эви билан мақта», деган маънода насиҳат қилдилар.

ОСИЛМАГАН ҚОЗОНГА ОТИЛМАГАН ҚУЁН ТУШИБДИ

Баъзан шундай ҳам бўладики, ҳеч бир ўйланмаган, хаёлга келтирилмаган, қутилмаган вақтда тасодифан бирор фойдали иш чиқиб қолади. Бу энди тасодиф бўлиб, ҳаммавақт ҳам шундай бўлавермайди, албатта. Мазкур мақолани мана шундай тасодифий омад келиб қолганда ажабланиш, қувониб мақомида ё ҳазил-мutoйиба тарзида айтадилар.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

- ҚҮЙ. 21 март – 20 апрель**
Сизга турли топшириқлар беришади, ташвингиз бошингиздан ошиб кетади. Агар лаҳзалик роҳатни ўйлайдиган бўлсангиз, кўпгина фойдали имкониятларни қўлдан бой беришингиз мумкин. Шу ҳафтада ишингизни ўзгартиришингиз эҳтимоли бор.
- СИГИР. 21 апрель – 20 май**
Меъерни нунутманг, мақсадга интилиш йўлида ўзингизни толиқтириб қўйиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Яқин одамларингиз ва дўстларингизни ўз режаларингиздан хабардор қилинг. Шундай қилсангиз, мақсадингизга эришасиз. Олдинда фойдали таклифлар кўп. Аммо омад ўз-ўзидан келавермайди. Бунинг учун ҳаракат қилишингиз керак.
- ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**
Касб соҳасида фаол ҳаракат учун қулай пайт келди. Жамоатчилик ҳам сизни қўллаб-қувватлайди. Бу ҳафта кайфиятингиз ҳам яхши бўлади. Мансабингизнинг ошиши кўп жиҳатдан одамлар билан тил топишиб кетишингизга боғлиқ.
- ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**
Ушбу ҳафтада касбий маҳоратингизни оширишга интилинг, шунда ижодий имкониятларингиз юзага чиқади. Сешанба куни қатъиятли ва меҳнатсевар бўлганингиз учун муносиб тақдирланасиз. Пайшанбадан бошлаб тугалланмаган ишларингизни якунига етказиш учун қулай фурсат келади.
- АРСЛОН. 23 июль – 23 август**
Чала қолган ишларингизни битириш учун қулай пайт. Атрофингиздагилар билан муносабатларингизни яхшилаш ўз кўлингизда. Аммо яхшиси ҳуда-беҳудага баҳслашаверманг. Оилангизга, уй-рўзғор ишларига етарлича эътибор беринг, кераклича вақт ажратинг.
- БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**
Бу ҳафтада юзага келган қутилмаган вазиятлар энг яхши фазилатларингизни юзага чиқаради. Тўпланиб қолган муаммоларни тез ҳал қилишингизга тўғри келади. Интилганга толе ёр дейишади. Дам олиш кунлари уй ишларингиз билан шуғулланганингиз маъқул.
- ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**
Эришган ютуқларингиздан кибрланиб, улкан режалар тузишга берилиб кетманг. Ишингиз қанчалик бароридан келмасин, фақат ўз кучингизга ишонинг. Таваккал қилиб имконингиздан ташқари ишларни бошлаб қўйманг.
- ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**
Ҳаракатчан одамлар учун қулай ҳафта. Ишончингиз қомил бўлсин: меҳнатингиз зое кетмайди, муносиб тақдирланади. Агар ўзингиз мустақил равишда ташаббус кўрсатмасангиз, барибир ишлашга мажбурлашади. Фақат энди ноқулай шароитда меҳнат қилишингизга тўғри келади.
- ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**
Бу бурж остида туғилганлар майда-чуйдага эътибор бермасликлари лозим. Бирор қарор қабул қилиш чоғида эҳтиросларга берилмасанг. Ҳафтанинг ўрталарида ҳамкасбларингиз билан муносабатларингизда муайян муаммолар юзага келади. Энг муҳими ҳеч бир ишни ёмон кайфиятда бошламанг.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**
Эсингизда бўлсин, ҳар қандай эътиборсизлик қутилмаган кўнгилисиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Хижолатда қолмаслик учун ҳар бир ишни обдон ўйлаб қилинг. Пухта тузилмаган режаларни амалга оширишдан сақланинг. Ҳар бир ишнинг ўз вақт-соати бор. Шошилманг...
- ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**
Эҳтиросларингизни босиб олинг. Фойдали лойиҳаларга эътиборли бўлинг. Белгиланган режаларни сифатли бажаришга ҳаракат қилинг. Қариндошларингиз билан ораларингиз бузилмасин десангиз, ҳамма эшитган гапларга ишонаверманг.
- БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**
Ушбу ҳафтада ҳамкорлик муносабатларингиз фаоллашади. Танқидий фикрларингиз ҳамкасбларингиз билан муносабатларингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Яқиндан куни худди уйғоқ вулқон каби безовта бўласиз. Эҳтиросларингизни жиловлаб олинг.

КЎЗА КУНИДА КЕСИНАДИ



ларидан сўнг Миробод туманидаги Фарид Тожиёвнинг уйида холислар иштирокида текширув ўтказганларида хонадаги ҳашаматли мебеллар орасидаги махфий жойдан 8 килога яқин, унинг 2-қаватидаги залдан 6 килога яқин героин топилди.

Шунингдек, хонадаги хуфиёна жойлардан гиёҳвандлик моддаларининг вазнини аниқлашда фойдаланганидан учта электрон тарози, 191 турдаги тилла занжирлар, билагужук, эркак ва аёллар кўл соатлари, кўплаб узук, зирак ва бошқа зеб-зийнат-

лар, 170 мингга яқин АҚШ доллари ҳамда 4,5 калибрли газ тўппончаси далилий ашё сифатида олинди.

Дастлабки тергов натижаларига кўра умумий олинган героин моддасининг оғирлиги салкам 17 килони ташкил этди.

Хонадон соҳибаси гиёҳвандлик моддаларини махсус мосламалар ёрдамида қайта тайёрлаб, уларни сотиш билан шуғулланиб келган.


Халқимизда «Кўза кунда эмас, кунда синади» деган нақл бор. Ҳозирги кунда ушбу уюшган гуруҳнинг тўрт аъзосига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, ҳибсага олинган ва тезкор-тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

М. Исмоилов.

Республика ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ходимлари гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланиб келган уюшган гуруҳнинг жиноий қилмишларига чек қўйишди. Пойтахтимизнинг «Фаргона йўли» ҳамда «Оқбулоқ» кўчалари кесишган чорраҳада Нодиржон

Қўлдошев 3 килограммга яқин героинни 39000 АҚШ долларига сотаётганда далилий ашё билан қўлга олинди. Қисқа фурсатда ўтказилган тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу гуруҳнинг яна икки аъзоси — Темур Отабоев, ташкилотчи Эркин Файзуллаев ва гуруҳни гиёҳвандлик моддаси билан таъминловчи Фарид Тожиёвалар ушланди.

Тезкор гуруҳ аъзолари тегишли рухсатнома олган-



ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзларини ишбилармон, тadbиркор қиёфасида кўрсатиб, осон, лекин мўмай даромад топиш илинжида турли йўللари ахтараётганлар, афсуски, орамизда ҳамон учраб турибди. Ўз ҳуқуқини билмаган, хушёрликни унутган, теваарак-атрофга нисбатан беэтибор қаровчи кишилар эса уларнинг даромад манбаига айланишмоқда.

Албатта, ички ишлар ходимлари томонидан жиноятчиликнинг бундай кўринишига қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Жиноятчиларнинг пайи қирқилиб, уларнинг тузоғига тушиб, алданганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу долзарб мавзуга бағишланди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, вазирликлар, ташкилотлар ва оммавийахборот воситалари ходимлари қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси А. Жанибекова йиғилишни очиб, айрим фуқаролар айниқса, аёлларнинг чет элга бориб ишлаш илинжида алданиб қолаётганини, умуман бундай жиноят турига қарши ҳамжиҳат бўлиб курашиш зарурлигини таъкидлади.

Халқаро миграция ташкилотининг Ўрта Осиё бўйича вакили, К. Бадикова, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник О. Турдақов, ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник К. Сарбаев, «Истиқболли авлод» нодавлат ташкилотининг вакили Н. Камаловлар ҳам бу масалада фикрмулоҳазаларини билдирдилар. Аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтиришлар олиб бориш билан бир қаторда овул ва маҳаллаларда мазкур йўналишга қаратилган тadbирларга нисбатан талабчанликни ошириш, жойларда хушёрлик ва назоратни кучайтириш ҳам аҳамиятга молик эканлиги айтиб ўтилди.

Д. Худойшукуров.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН МЕҲМОН

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида яшовчи Р. Аҳмад Сирғали туманидаги таниши Б. Русланнинг уйига меҳмондорчиликка бориб, у билан жанжаллашиб қолди. Ўз иззатини билмаган меҳмон танишининг онаси Б. Галинани бўғиб ўлдирди. Сўнгги Руслани тиг билан жароҳатлади. Р. Аҳмаднинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

БОСҚИНЧИ ЎСМИРЛАР

Тонготар маҳалла Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида яшовчи О. Толиповнинг хонадонига бостириб кирган уч нафар ниқоб кийган кимса уй эгасига пичоқ ўқталиб, пул талаб қила бошлади. Оқибатда ўртада кўтарилган шовқин туфайли тунги талончилар жуфтакни роетлаб қолишади. Туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган тез-

кор қидирув натижасида босқинчилар қўлга олинди. Улар шу маҳаллалик ўсмирлар Б. Шухрат, Р. Шухрат ва Ш. Умидлар бўлиб чиқдилар.

ТАЛАБАЛИКНИНГ СЎНГИ КУНИ

Пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирининг талабалари Б. Азамат ҳамда А. Темур тунда Юнусобод туманида А. Умаров бошқарувидаги «Тико» автомашинасида йўловчи сифатида ўтири-

ради. «Гидрометцентр» биноси олдида етиб келганда эса ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ ташлаб, унинг 22 минг сўм пулини олиб қочиш кетишади. Бироқ узоққа бормаёқ ички ишлар ходимлари томонидан тезда ушланди.

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида яшовчи 1961 йилда туғилган У. Қодирова беда-

Кўпинча вояга етмаганлар жиноят содир этишига уларнинг ота-онаси сабаб бўлади, деб ҳисоблашади. Негаки, ўша бола биринчи галда оила муҳитида тарбия олади. «Қуш уясида кўрганини қилади», — дейишади-ку! Фарзанд отасидек, онасидек бўлишга ҳаракат қилади. Хўш, аксар ота-оналарнинг тарбияси қандай? Ўрناق олса бўладиганми? Бизда бу масала билан шуғулланганидан институт борми? Мазкур саволга «Ҳа» деб жавоб бериб, маҳаллада олиб борилаётган ишларни айтиши мумкин. Аммо маҳаллада мутасаддиларининг ўзлари, мисол учун олайлик, ота-оналарни йиғиб, улар билан шуғулланганларининг ўзи етарлимикин? Менимча, йўқ.

«ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ»

Энди асосий фикримга келаман. Оиладаги муҳитни соғломлаштириш, тарбияни тўғри йўлга қўйиш нафақат маҳалла фаолларининг ёки ички ишлар идораларининг иши, балки бутун жамоатчиликнинг вазифаси бўлмоғи лозим. Бугунги кунда вояга етмаганлар тарбияси яхшиланишининг асосий механизми ана шундан иборат. Ўзингиз айтинг, бола мактабда 4-6 соат ўқиса, қолган вақтни оилада ўтказса-ю, яхши тарбия ололмаса айб кимда бўлади? Албатта, аввало, ота-онада. Аммо вақтни тўғри, мазмунли ташкил этиш механизми яхши йўлга қўйилмаса, бола қатнайдиغان спорт тўғараклари бўлмаса-чи? У ҳунар ўрганиш учун бирор марказга бормаса, бекорчиликдан ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилади. Ичадиган, чекадиган тарбияси оғир тенгдошларига қўшилади. «Саёқ юрган, таёқ сийди», деганларидек, охир-оқибат жиноят йўлига кириб кетганини билмай қолади. Боланинг ҳуқуқбузарлик содир этишига сабабларни нафақат оиладан, балки ўсмирнинг ишонувчанлигини ҳисобга олиб, унга таъсир этадиган бошқа ташқи омиллардан ҳам излашимиз керак. У кўча-қўйда кимлар билан ўртоқ бўляпти, синфдошлари кимлар — буларнинг барчасини кузатиб бориш бола тарбиясида муҳим ҳисобланади. Ота-она буни билиши керак.

Иккинчи бир жиҳати, бугунги кунда телевидение орқали намоён этилаётган баъзи охири кўринмай диган, мазмуни саёз фильмлар билан ҳам боғлиқ. Аъналаримизга, урф-одағларимизга воқеалари, мазмуни, гоёси хос бўлмаган айрим телесериаллар менимча, ёшлар тарбиясида салбий таъсир эътапти.

Ўсмирлар учун мос қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам қайсидир маънода ёшларнинг жиноят йўлига кириб кетишларининг олдини олган бўларди. «Бекорчиликдан барча безор» деб бежиз айтишмаган. Бунинг учун жойлардаги ҳокимликлар, маҳаллий бошқарув идоралари ёки жамоат ташкилотлари ҳудуддаги ҳар бир ўсмирнинг тақдири билан қизиқиб кўриши керак. Бола қандай орзу-хаёллар билан яшайпти, унинг қўлидан нима иш келади, оиласида қанақа муаммолар бор? Ана шу муаммоларни ечган тақдиримизда, аксар ҳолларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик келиб чиқишининг олдини олган бўламиз.

Тўхтасин АРСЛОНОВ,
республика «Камолот» ёшлар
ижтимоий ҳаракати
Марказий кенгаши бўлим мудири.

ҚОЧИБ УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

Самарқанд шаҳрида «Нурободнефтебаза» унитар корхонаси ҳайдовчиси С. Абдусаломовга бириктирилган «Нексия» автомашинасини номатлум йигит зўриқ билан олиб қочди. Кўрилган чоралар натижасида «зўравон» қўлга олинди. У самарқандлик ҳеч қаерда ишламайдиган А. Фирдавс экан.

Исмоил МИНАВАРОВ,
ИИБ матбуот маркази
ходими, майор.

ШИЖОЯТ ҚИЛТИШТА

«АРЗИМАЙДИГАН» КАСАЛЛИК

Баҳор ва куз фаслларида кенг тарқалувчи, халқ тилида «тумов» деб аталадиган ринит касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, даволаш чоралари ҳақида Тошкент тиббиёт Академияси 1-шифохонаси профессори, тажрибали аллерголог Илмирахон Розикова қуйидагиларни гапириб берди.

Ринит асосан турли микроблар таъсиридан ёки совуқда қолиб шамоллаш оқибатида бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши тарзида бошланади. Шунингдек, у грипп, дифтерия, қизамиқ каби хасталикларнинг белгиси ҳам бўлиши мумкин.

Касаллик пайдо бўлганда беморнинг бурун ёки

томоқ шиллиқ пардаси шишиб, ачишади ва қуруқшайди, бурун оқади, кишининг ҳарорати бироз кўтарилиб, боши оғрийдими, иш қобилияти пасайиши мумкин. У бурундан нафас олишга қийналади. Баъзан кўз шиллиқ пардаси яллиғлангани туфайли ёш оқади, ҳид билиши пасаяди. Айрим кишиларда

бу ҳолат бутун-ҳалқум ва эшитув найи шиллиқ пардасига, ҳатто ҳиқилдоқ, бронх ва ўпкага ҳам ўтиб кетади.

Касаллик кўпроқ асаби ва қон томирлари тез кўзғаладиган кишиларда аллергик ёки вазомотор кўринишида учрайди. Аллергик ринит кўкламда, ўсимликлар гуллаган даврда, ҳавода чанг миқдори кўпайганда, ҳарорат ва атмосфера босими ўзгарганда авж олиши кўпроқ кузатилади. Аллергик тумовнинг алоҳида бир тури — пичан тумови эса асосан бошоқли ўсимликлар гуллаганда учрайди. Бемор вақтида даволанмаса, шунингдек, қабзият, спиртли ичимликларга ружу

қўйиш, юрак ва буйрак касалликлари, касбга алоқадор зарарли нарсалар, масалан, ҳавонинг ўта чанг ёки ифлос бўлиши касалликнинг сурункали кўриниш олишига сабаб бўлиши мумкин. Сурункали ринит бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг ўсиб, қалинлашиб (гипертрофия) ёки аксинча, юпкалашиб кетиши (атрофия)га олиб келиши мумкин. Натижада нафас олиш қийинлашади.

Касаллик аломатлари пайдо бўлгандан дарҳол мутахассис шифокорга мурожаат қилиш зарур. Асал ёки малина мураббоси солинган (бу ширинликлардан аллергияси йўқлар) қайноқ чой ичиш, шифокор тавсия қилган дориларни ўз вақтида қабул қилиши керак. Эътиборсизлик қилиб, касалликка бепишанд қараш бурун бўшлиғи яллиғланишининг сурункали тус олишига сабаб бўлиши тажрибада кўп учраган. Организмни чиниқтириш касалликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутаяди. Бунинг учун ҳаво ва қуёш ванналари, сув муолажалари, спорт билан кишининг ёшини шуғулланишининг аҳамияти катта. Шунингдек, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳам жуда муҳимдир.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА
тайёрлади.

Пиёзнинг шифобахшилиги қарийб тўрт минг йиллар муқаддам шарқ мамлакатларида аён эди. Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Кўшимизнинг икки ойлик қизчаси бошида яра пайдо бўлиб, анча вақтгача тузалмади. Тиббиёт оғизлик қилди, шифокор ҳаракати зое кетди. Ярадаги йиринглар болага азоб берарди. Айрим кишилар «Энди у тузалмайди, тузалса ҳам кал бўлади, қиз болага бу катта доғ», дейишди.

ПИЁЗ — САЛОМАТЛИККА ПОЁНДОЗ

мисоллар кўп. Уруғи танадаги доғни кетказди. Туз билан қўшиб ишлатилса сўгалларни кўпоради, суви чиркин яраларга фойда қилади. Кулоқ шангиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида кулоққа томизилади.

Пиёз қадимдан ичак ўқтин-ўқтин оғриганда, сариқ касаллигида, қабзият, атеросклероз хасталикларида, тумовда ишлатилган, чипқонга даво бўлган, гижжаларни туширишда фойдаланиб келинган.

У меъда безлари фаолиятини яхшилайдими. Пешоб ҳайдайди ва йўлларида пайдо бўлган қум ва тошларни эритади, йўталларга қарши даво бўлиб, балғам кўчиради.

Пиёз вужудимизда қанд миқдорини камайтиради. Буғда пиширилган ёки кўрга кўмилган пиёз чипқонни етилтиради. Майдаланган пиёз чакка ва манглайга қўйилса, бош оғриғи қолади. Қадоқдан халос бўлиш учун ошхона сиркаси қўшиб қайнатилган пиёз билан артилса фойда беради. Барглари ёпишган терига, қалин тортаётган қадоққа қўйилади. Сархил барра пиёз иштаха очади. Соч тўкилишидан асрайди.

Болгариялик олимлар фикрига кўра, тумов, гриппда барра пиёз шарбати билан намланган пилик бурун катакларига қўйилса, яхши самара беради. Кўк пиёзни меърида ейиш керак. Меъда-ичак йўли, жигар ва буйрак фаолияти суст бўлган кишиларга ноҳуш таъсир этади. Чунки пиёзда эфир мойи ва пурин моддалар кўп.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.

ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

● Зиғир ёки седанани куйдириб, тутунига бурнингизни тутиб, чуқурчуқур нафас олсангиз, ринит туфайли «битиб» қолган бурнингиз «очилади».

● Пиёз сувини бир-икки томчидан бурунга томизилса, бошланаётган тумовни тўхтатади.

● Бурунга кунига 3-5 томчидан 4-5 марта алоэ шарбати томизилиб, кейин массаж қилинади.

● Баҳорда оқ қайин шарбати (суви)га сут аралаштириб, кунига 1-2 стакандан ичилса, ринит кўзғалишининг олди олинади.

● Каланхое ёки баргизуб баргларида сиқиб олинган шарбатга 30 фоиз миқдорда асал қўшиб, бурунга томизилади.

● Болалар тумов бўлганда сабзи шарбатини олиб, ҳар икки соатда икки томчидан бурнига томизилади.

● Турп сувини кунига бир ош қошиқдан уч маҳал ичиш керак.

● Ўртача катталикдаги саримсоқ-пиёзни бир стакан сувда қайнатиб, кун давомида оз-оздан ичилади.

● Янги қизил лавлагининг шарбати олиниб, кунига тўрт-беш марта бурунга (беш-олти томчидан) томизилади.

ЁШАРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

МАРҲАМАТ...

Саримсоқпиёзни олиб, тозалаб, ёғоч қошиқ билан яхшилаб эзинг. Майда эзилгандан сўнг 200 граммни олиб, шиша идишга солинг ва устига 200 грамм

Маслаҳатхона

96%ли спиртдан қўшиб, елим қопқоқ билан яхшилаб бекитиб қўйиб, 10 кун давомида салқин ва қоронғи жойда сақланг. 10 кундан сўнг тайёр моддани докадан ўтказиб, яхшилаб шарбатини сиқиб олинг. Тайёр шарбатни яна 14 кун қоронғи ва уй ҳароратида сақланг. Шундан сўнг даволашни бошлашингиз мумкин.

ДАВОЛАНИШ

ТАРТИБИ КУЙИДАГИЧА:

Стаканнинг тўртдан бир қисмига совуқ сут қуясиз-да устига тайёр малҳамдан ҳар кун икки овқатдан 30 дақиқа олдин куйидагича схемада кўрсатилганидек томчилаб қўшиб ичасиз. Бу даволаниш усулидан яна 6 йилдан сўнг фойдаланиш тавсия этилади.

Даволаниш усулининг хусусияти шундаки, 10 кун ичида организмни ёғлардан, тузлардан тозалайди. Модда алмашинуви дарҳол яхшиланади. Юрак-қон томирлари майинлашиб, чўзилувчанлик хусусияти яхшиланади. Паритетхотирлик, стенокардия, инфаркт, фалаж ва ҳар хил шишларнинг пайдо бўлишидан сақлайди. Кўриш қобилиятини яхшилайдими. Юқоридаги схемага қатъий амал қилсангиз организмнинг соғломлашиб, танангиз ёшаради.

Лола АХМЕДОВА
тайёрлади.

КУНЛАР	НОНУШТАДА	ТУШЛИКДА	КЕЧКИ ОВҚАТДА
1-кун	1 томчи	2 томчи	3 томчи
2-кун	4 томчи	5 томчи	6 томчи
3-кун	7 томчи	8 томчи	9 томчи
4-кун	10 томчи	11 томчи	12 томчи
5-кун	13 томчи	14 томчи	15 томчи
6-кун	15 томчи	14 томчи	13 томчи
7-кун	12 томчи	11 томчи	10 томчи
8-кун	9 томчи	8 томчи	7 томчи
9-кун	6 томчи	5 томчи	4 томчи
10-кун	3 томчи	2 томчи	1 томчи

ЭХТИЁЖМИ

ЁКИ...

қиш юқори деган хулосани келтириб чиқармоқда. Истаймизми-йўқми, бу бугуннинг аччиқ ҳақиқати.

Тарихдан маълумки, Қадимги Рим аҳолиси қонли томошаларга жуда ўч бўлган. Уларга ёвуз томошалар кўпроқ завқ бағишлар, бун билган ҳукмдорлар оломони турли даҳшатли саҳналар, масалан, гладиаторлар жанги билан чалғитиб турарди. Бугунги айрим кўнгилочар нашрлар фаолияти ҳам Рим ҳукмдорларининг услубини ёдга солади. Уларнинг мақсади кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар, жиноятлар, қотилликлар, қўрқинчли ҳодисалар орқали ўқувчининг диққат-этиборини тортиш ва шу йўл билан матбуот бозорига ўз ўрнини сақлаб қолиш бўлиб қолмоқда. Ҳар бир соҳа талаб, таклиф ва рақобат каби бозор қонуниятлари асосида кун кўраётган бир пайтда, матбуотнинг ҳам бу жараёндан четда қолмаслиги табиий ҳол. Аммо фақат фойда, даромад дея халқнинг маънавиятини захарлаш, аниқроқи, ўз манфаати йўлида миллатнинг маънавий қадриятларини оёқости қилиш, ўзига зимдан оғу юборишни эса ҳеч қачон ёқлаб бўлмайди. Ачинарлиси, бу ҳолат деярли барча матбуот нашрларига тарқалиб улгурди. Яқинда суд ҳукмлари асосида ёзилган мақолаларимни кўтариб бир неча таҳририятларга бордим. Ҳаммасида:

— Ҳукм қайси жиноят тури бўйича? — деган савол беришди.

— Ҳар хил: ўғирлик, талончилик, гиёҳвандлик, фирибгарлик, — дея жавоб бердим.

— Булар ўқувчи учун у қадар қизиқарли эмас-да, яхшиси бизга қотиллик ҳақидаги ҳукмлардан олиб келинг, — дейишди. — Қотиллик бўлганда ҳам даҳшатлисидан бўлсин.

Бу гаплардан ҳайрон бўлиб, елка қисдим. Нега энди ўқувчини айнан қотиллик билан боғлиқ жараёнлар қизиқтиради? Ундан қандай ахборот олиш мумкин? Хулоса қандай бўлади. Ижобийми, салбийми? Ўқувчига қотиллик юз бергани муҳимми ёки бу жараённинг тафсилоти қизиқарилоқми? Агарда бир шахннинг иккинчи шахс ҳаётига суиқасд қилиши, айниқса, бу ҳодисанинг даҳшатли тарзда амалга оширилганини ёритиш ўқувчига завқ бағишлаётган бўлса, бу яна бир маънавий таназулимиз белгиси эмасми?! Унинг юзига келишида эса мана шундай мавзуларни зўр бериб тарғиб қилаётган газета-журналларнинг ҳам ҳиссаси катта. Кўпчилик матбуот нашрлари журналистика маданиятига амал қилмай, ахборотни талқин қилишнинг нотўғри йўлидан бораётгани оқибатида шундай ҳолатлар вужудга келмоқда.

Матбуот оммага кучли руҳий таъсир ўтказиш хусусиятига эга. Шубҳасиз, тинимиз равишида тарғиб қилинган ҳар қандай мавзу кишининг диққат-этиборини жалб қилмасдан қўлмайди. Шунинг учун қўлаб ривожланган

мамлакатларда йирик шахслар оммавий ахборот воситаларидан ўз манфаатлари йўлида қурол сифатида фойдаланадилар.

Кўпдан буён газета-журналлар саҳифаларида берилаётган суд ҳукмлари билан боғлиқ материалларни кузатиб бораман. Масалан, вилоят газеталаридан бири бундай мақолаларни асосий мавзусига айлантдириб олган. Газетанинг ҳар бир сонидан бир нечта суд ҳукмлари ва тергов жараёнлари асосида ёзилган материаллар мунтазам бериб борилади. Бундай мавзудаги материалларнинг камидан биттаси қотиллик жинояти билан боғлиқ бўлади. Газета сарлавҳасида ҳам катта қилиб асосан қотиллик ҳақидаги мақолаларнинг анониси берилади. «Ҳомилалор аёлнинг ўлдирилиши», «Қотилга айланган улфатлар», «Бўғизланган кампир», «Пичоқлашган аёллар» ва ҳоказо. Эйтибор беринг-га, нақадар хунук ва совуқ сўзлар. Сарлавҳанинг ўзиёқ кишини сескантириб юборади. Одатда газета юзини энг муҳим, янги, тезкор ахборотлар анониси беэаб туриши керак. Воқеанинг қандай содир бўлганини ҳикоя қилувчи материални реклама қилиш мантиқан тўғри эмас. Бу масаланинг муҳим томони эмас. Асосий масала газетада ёритилаётган жиноят мавзусининг қандай талқин этилаётганида. «Қорнига пичоқ тикди», «Бўғиздан сўйиб юборди», «Қалласини чопиб ташлади» каби тасвирларни ўқигач, ўқувчи анчагача ўзини ёмон ҳис қилиб юриши аниқ. Сиз ташқи томондан билган одам боласининг қўлидан шундай ёвузликлар келишидан ҳайратга тушасиз, улардан нафратлана бошлайсиз. Газета шов-шув кўтариш, ўқувчининг диққатини жалб қилиш мақсадида ҳам қотилликларни даҳшатли тарзда тасвирлаш услубини қўллайди. Ваҳоланки, ана ўша кўпол ибораларни ишлатмасдан ҳам воқеани акс эттириб бериш мумкин-ку! Энг ачинарлиси, ушбу газета саҳифаларида дунёқарашимиз, менталитетимизга мутлақо зид бўлган ота-бола, бир туғишган жигарлар ўртасида бўлиб ўтган жинсий муносабатлар ҳақидаги кўшиб-чатиб ёзилган ҳикояларнинг кўпайиб бораётганидир. Хўп майли, қайсидир манкурт шу ишни қилган бўлиши мумкин. Аммо оммага маърифат тарқатадиган матбуот орқали бундай жирканч ҳолатларни овоза қилиш шартмикан? Ўқувчининг фикрлаши, ахборотни қабул қилиш салоҳияти турлича. Гапиришнинг ўзи нақадар бир ва уятли бўлган бу каби воқеалардан ким қандай хулоса чиқариши ҳеч кимга маълум эмас-ку. Шундай экан бир газета-журнал ходимлари бирор мавзунинг ёритишдан олдин унинг ижтимоий-маънавий таъсирини чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсан, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нигора ТҲҲАМАТОВА.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.



Ўсимбек Юнусович ҚУРБОНОВ. 1963 йилда туғилган. Чиноз тумани, «Дўстлик» фермер хўжалиги, Мамут кўчаси, 33-уйда яшаган. 2003-йил 3 март кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175-180 см, ўртача гавдали, чўзиқ юзли, сочи, қоши қора, сийрак, қиррабурун, қулоқлари катта.

Кийимлари: эғнида қора кўйлак, қора чарм камзул, қора шим, кўнғир ранг жемпер, оёғида қора этик бўлган.

Алоҳида белгиси: чап қўли кафтининг бош бармоқ ёнида 3 см катталикда чандиқ бор.

Турсунали Аҳмадович ҲАКИМОВ. 1976 йилда туғилган. Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Амир. Темур кўчаси, 30-уйда яшаган. 2002 йил ноябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочи тўқ жигарранг, қошлари қора, қалин, бурни пучуқ, қулоқлари ёпишган.

Кийимлари: эғнида кўкиш жемпер, қизғиш рангли костюм, қора шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Дилшод Нурмухамматович МИРЗАЕВ. 1984 йилда туғилган. Чиноз тумани, Собир Раҳимов фермерлар хўжалиги С. Айний маҳалласида яшаган. 2005 йил 16 декабрь кунин уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочи, қош-кўзлари қора, юзи чўзиқроқ, бурни катта.

Кийимлари: эғнида спорт кийими, қора кўйлак, оёғида калиш бўлган.


Ақли заиф, ўзи ҳақида тўлиқ маълумот беролмайди.

Достон Тиркашевич НАЗАРОВ. 1989 йилда туғилган. Чиноз шаҳар, Гулзоробод кўчаси, 1-уй 10-хонадонда яшаган. 2005 йил ноябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочи, қош-кўзлари қора, бурни пучуқ.

Кийимлари: эғнида қора рангли спорт кийими, қора жинси шим, кўк рангли кўйлак, оёғида кроссовка бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги ички ишлар бўлимига ёхуд Чиноз тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор М. Собировга онаси
ҲАНИФА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор М. Собировга онаси
ҲАНИФА аянинг вафот этган муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши бошқарма тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокори Ш. Жураевага турмуш ўртоғи, истеъфодаги подполковник
Нормурод ЭЛМУРОДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма алоҳида милиция батальони командирининг ўринбосари, подполковник Т. Самиевага падари бузруквори
САМИ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов бошқармаси катта терговчиси, майор Б. Қодировга падари бузруквори
БОТИР отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилар жамоаси ва шахсий таркиби, мактаб бошлиғи, генерал-майор М. Собировга онаси
ҲАНИФА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор М. Собировга онаси
ҲАНИФА аянинг вафот этган муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги капитан
Ўткиржон КАМИЛОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, капитан К. Яхшиликковга волидан муҳтарамаси
ЗУЛАЙҲО аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

«Туркистон» концерт саройи жамоаси сарой директори С. Нурдинновга онаси
ШИРИН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

